

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКА

МУТАХАССИСЛИГИ

УДК 371.035

Қўлёзма ҳуқуқида

Ачилов Нуриддин Абдугаффорович

Мавзу: Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва
маҳалланинг ўрни

**5A140801 ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКА мутахассислиги магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш қўрилди ва ҳимояга рухсат берилди.

Илмий раҳбари:

Магистратура бўлими бошлиғи

_____ Проф. Э.Тўраев

_____ п.ф.н. А.Э.Кенжабоев

Умумий педагогика кафедраси

мудир: п.ф.н. М.Қ.Бозорова

2012 йил «31» май

Термиз-2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-14 бетлар
I-боб. Оила-муқаддас даргоҳ.....	
1.1. Оила келиб чиқишининг тарихий илдизлари.....	15-23 бетлар
1.2. Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда ота-онанинг ўрни.....	24-34 бетлар
1.3. Оилада меҳнат, касб-хунар маданияти ва миллий урф - одатлар.....	35-45 бетлар
II -боб. Маҳалла-тарбия маскани.....	
II.1. Маҳалла қадимдан маҳаллий ҳокимият сифатида.....	46-51 бетлар
II.2. Маҳалла маънавий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар сақланган маскан.....	52-62 бетлар
II.3. Маҳалла ёшларни касб-хунарга ва мустақил ҳаётга йўлловчи маскан.....	63-73 бетлар
III-боб. Оила ва маҳаллада ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари ва воситалари.....	
III.1. Оилада ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда халқ педагогикаси методларидан фойдаланиш.....	74-84 бетлар
III.2. Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда салбий ҳодисаларга қарши курашишнинг аҳамияти.....	85-98 бетлар
Хулоса ва таклифлар.....	99-101 бетлар
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	102-104 бетлар

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги. XX-аср охири инсоният тарихида туб бурилишлар содир бўлишига олиб келди. Сайёрамизда икки қутбчиликка барҳам берилди. Собиқ социализм системаси, ўрнида мустақил давлатлар вужудга келди. Табиийки, ҳар бир мустақил давлат ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди. Кўплар қатори, Ўзбекистон ҳам, 1991 йил 1-сентябрь куни ўз мустақиллигини байрам қилди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов раҳнамолигида янги тизимга ўтиш бошланди. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди. Президентимиз И.А.Каримов саъй-ҳаракатлари билан тараққиётнинг “ўзбек модели” ишлаб чиқилди. Бу тамойил, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришни, ўз олдида мақсад қилди. Бутун ривожланган мамлакатлар буни қўллаб-қувватлади. Айни пайтда барпо этилаётган келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишнинг маънавий-руҳий асосларини ишлаб чиқиш зарур эди. Аммо бу жараёни зудлик билан амлга ошириш қийин эди. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилди. Президентимиз И.А.Каримов 2000 йил 6-апрелда катта йиғилиш ўтказиб, унда миллий истиқлол ғояси концепциясини ишлаб чиқиш масаласини ўртага ташлади. Шундан кейин мамлакатимизда миллий ғоя, миллий мафкураси ишлаб чиқилди. Бу йўналиш барча таълим муассасаларида ҳукуматимиз қарори билан 2001 йилдан таълим-тарбия жараёнига киритилди.

И.А.Каримов 2000 йил 6-апрелда шундай деган эди: “Ҳаёт мавжуд экан, жамият, давлат бор экан, ҳар қайси миллат, ҳар қандай халқ ўз йўлини, мақсадини, лўнда қилиб айтганда, ўзининг миллий ғоясини, миллий мафкурасини аниқлаб олишга ҳаракат қилади. Ҳаёт тараққий этган сари бундай масалалар янада бойиб, янада такомиллашиб бораверади.

Шу маънода, бу борада турлича карашлар, муҳокамалар бўлишини табиий ҳол сифатида қабул қилиш керак”¹. Шунингдек, Президентимиз ўша нуткида: “... ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос- бу миллий ғоя, миллий мафкурадир”², -деган эди.

Ўзбекистонда ижтимоий тараққиёт соҳасида таълим-тарбия устувор деб, эълон қилинди. Жамиятнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотлар самараси, республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш, замон талабларига жавоб берадиган ёшларни тарбиялашни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши, жамиятда узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши, таълим муассасалари фаолиятларини сифат жиҳатдан янада такомиллаштириш ҳамда таълим мазмунини жаҳон таълим стандартлари даражасида ташкил этилишини таъминлаш борасида имкониятларни яратибгина қолмай, балки таълим жараёнининг фаол субъектлари бўлган, ўқитувчи ва ўқувчи, ота-она, оила ва маҳалла ўртасидаги муносабат моҳиятининг янгича йўналиш, юксак маънавиятли ёшлар тарбиясига боғлиқ бўлиб қолди. Кадрлар тайёрлаш сифати эркин фикрловчи шахс фуқаронинг камол топиши, ёшларнинг миллий ғоя руҳида тарбиялаш, бугунги кунда ёшлар истиқомат қиладиган, оила ва маҳаллаларга боғлиқ бўлмоқда. Ёшларни миллий руҳда тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Бунинг учун бир мақсад йўлида

¹ Каримов И.А. Миллий мафкура-давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 462-бет.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 463-бет.

оила ва маҳалла ҳамкорлигига суянамиз.

Ёшлар тарбиясида миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган масалада куйидагиларни унутмаслигимиз керак. Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суянади ва таянади. Яъни олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Маълумки, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида тизим, ундан кейин сиёсат пайдо бўлади. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррарлигини унутмаслик лозим. Шунингдек, ёшлар онги, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Миллат ўзлигини тўла англаган тақдирдагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади. Иккинчидан, бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида яъни мустабид, тоталитар бир тузумдан эркин ва озод тузумга ўтиш шароитида яшамокдамиз. Маълумки, бу ўтиш даврининг ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дучор келиши, қаттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи зарур. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин. Учинчидан, ўрта ва катта ёшли авлод эски тузум даврларини бошидан кечирган ва охириги ўн йил давомида қандай оғир йўللарни босиб ўтилганини яхши билади. Кўпчилик кечаги ҳаётимиз, кечаги тарихимизга жонли гувоҳ. Гувоҳгина эмас, ўша жараёнларнинг бевосита иштирокчиларидир. Лекин, энди вояга етаётган ёшларимиз қандай ғоя асосида, қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб, хизмат қилмоғи лозим? Тўртинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда керак бўлса, миллий

манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз зарур. Чунки, бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Шу курашда енгиш учун жуда катта маблағ имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда. Бешинчидан, миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашга, ўзининг тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги ўсиб келаётган ёш авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак. Олтинчидан, миллий ғоя олдида қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирганда, аввало унинг икки суянган тоғи-таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур. Биринчи навбатда, миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, урф-одатларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи зарур. Еттинчидан, миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бири-бири билан мунозара қилишига, курашишига, баҳслашувига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Миллий ғояни одамлар, хусусан ёшлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақазо этилади. Ёшларни миллий ғоя руғида тарбиялашда таълим-тарбия муассасалари, фан ва илмий муассасалар, маданият ва маданий-маърифий муассасалар, адабиёт ва санъат, дин, жисмоний

тарбия ва спорт, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин эгаллайди. Юқорида қайд этилаётганлардан бизнинг магистрлик диссертациямизда миллий ғояни тарғиб этишнинг мақсади, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни мисалсини тадқиқот объекти қилиб ўрганишдан иборатдир. Илк оммавий рисола бўлган “Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида оила ва маҳалла ҳақида шундай дейилади: “Оила-мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила-жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизги хос бўлган илк тушунчалар, аввало оила муҳотида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиладаги соғлом муҳит-соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш-миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амлга оширишда таянч бўлади”.

“Маҳалла ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлиб, халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади. Маҳалла-аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри, маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани, демократия дарсхонаси, деб ҳам аташ мумкин. Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс”.

Магистрлик диссертациямизнинг мақсади:

Биринчидан, ҳар қандай оила ота-она ва маълум фарзандлардан ташкил топган. Табиийки, ҳар бир оилада ота-она бўлганидек (маълум истисно ҳам бўлиши мумкин) ҳар бир ота-онанинг ўзига хос бурч ва вазифалари ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ота-онанинг исломий ва дунёвий бурчларини тадқиқот этиш;

Иккинчидан, оила тарбиявий маскан, ўчоқ, даргоҳ, восита бўлгани учун фарзандлар тарбияланади. Соғлом фарзандларни тарбиялашда, айниқса ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши билан бир қаторда фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялаши, соғлом оилада ота-она фарзанд муносабатларини ўрганиш;

Учинчидан, халқимизнинг удумлари, урф-одатлари, анъаналари асосида оила муҳотида фарзандлар тарбиясини таҳлил қилиб, уларга оила ва маҳаллага оид тушунчаларни шакллантириш ҳамда педагогик асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш;

Тўртинчидан, оиланинг мустаҳкам ёки номустаҳкам бўлиши ота-онанинг тарбияси, дунёқараши, руҳияти, тафаккури, онги, муносабатлари билан чамбарчас боғланган. Шу боисдан ота-она ўртасидаги муносабатлар қанчалик мустаҳкам бўлса, бундай оилага ҳеч қачон зил кетмайди. Шу боисдан оила мустаҳкамлигини баён этишда ота-она, фарзандлар муносабатини ўрганиш;

Бешинчидан, оилада меҳнат, касб-хунар маданиятини шакллантириш асосида ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш. Тадқиқотларда методларни қўллаш, ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш. Миллий урф-одат ҳамда анъаналар асосида оилани мустаҳкамлашда кекса авлод тажрибаси;

Олтинчидан мустақиллик йилларида маҳалла институтига Ўзбекистонда алоҳида аҳамият берилди. Чунки маҳаллада ғоявий тарбия олиб бориш билан бир қаторда, унга зид бўлган салбий ҳодисалар ҳам

мавжуд. Шу боисдан маҳалладаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш ҳам ишимизнинг мақсадларидан биридир.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари:

Биринчидан, оиладаги ота-онанинг бурчлари ва вазифаларини баён этиб, ёшлар тарбиясида оила, маҳалла ҳамкорлиги моҳиятини ва ўрганилган даражасини таҳлил қилиш. Оила ва маҳалла фаолиятида ёшларда миллий ғоянинг шаклланиш мезонларини аниқлаш;

Иккинчидан, оила тарбиявий маскан бўлиб, оиланинг ҳолатига қараб: соғлом, носоғлом оилаларда ёшлар тарбиясини ўрганиш. Тарбия жараёнида талаба-ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг тизимини ишлаб чиқиш;

Учинчидан, халқимизнинг удумлари, урф-одатлари, анъаналари аввало оилада шаклланади. Ишимизда оилавий урф-одатларни фарзандлар, ёшлар тарбиясидаги ўрни, аҳамияти масалаларни таҳлил қилиш. Ёшлар тарбияси жараёнида интерфаол тарбия усулларида фойдаланишнинг самарадорлигини исботлаш;

Тўртинчидан, оилада ота-онанинг тарбияси, дунёқараши, тафаккури, онги, руҳияти, ўзаро муносабатларини ёшлар тарбиясидаги роли. Ёшларни интерфаол жараёнида тармоқли методлар орқали фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва билимини ўстириш;

Бешинчидан, ҳар қандай оилада фарзандлар тарбиясида меҳнат тарбияси, касб-ҳунарга ўргатиш ҳам муҳим ўрин эгаллашини кўрсатиш. Ёшлар тарбиясида урф-одатлар, анъаналарнинг аҳамиятини баён этиш;

Олтинчидан, оила ва маҳаллада ғоявий тарбия олиб бориш жараёнида, маълум даражада учрайдиган салбий ҳодисаларни бартараф этиш усуллари кўрсатиш;

Муаммонинг ишлаб чиқилганлик даражаси.

Оила ва маҳалла масалалари жаҳонда буюк алломалар томонидан, илмий тадқиқотчилар томонидан ҳар бир давлатнинг, ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятлари асосида ўрганилган. Лекин, ўзбек

оиласи , ўзбек маҳалласи сингари бошқа мамлакатларда тарбия маскани даражасида ривожланмаган. Ўзбек оила ва маҳаллаларининг ўзига хос, миллатимизга мос бўлган бир қатор қодлари мавжуд. Оилалар, маҳаллалар билан ҳамкорликда ёшлар тарбияси учун масъулдир. Шу сабабли мустақилликдан кейин маҳаллалар фаолиятига жуда катта эътибор берилди. Маҳалланинг тинчлиги, оила тинчлигига тақалади. Ҳар бир фарзанднинг шахс сифатида шаклланиши ҳам оила, маҳалла томонидан ёшларимизга, миллий ғоя руҳидаги тарбияланганлик даражаси билан белгиланади. 2012 йил “Мустаҳкам оила” йили, деб эълон қилинишининг ўзи ҳам ёшларимиз кураётган оилаларга ўзлгимизни, миллий маънавиятимизни шакллантириш билан боғлиқ бўлади. Демак, оила, маҳалла унда яшовчи инсонлар тарбияси аждодларимиз томонидан кенг ўрганилган. Ҳозирда бу йўналишга давлатимиз эътиборни янада кучайтирди.

Оила унинг муқаддаслиги ҳақида, Шарқ алломалари асарларида, шунингдек Қуръони Каримда ҳам ҳар тамонлама фикрлар баён қилинган. Оиланинг исломий талқинини эса Ризоуддин ибн Фахруддин асари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонлик олимларимиз, А.Мунавваров, О.Тўраева, О. Ҳасанбоева, У.Отавалиева ва бошқа кўплаб педагогларимиз асарларида ҳам оила муммосини ҳар тамонлама тадқиқот қилганлар. Оила маънавиятини шакллантириш ва такомиллаштиришда, М.Р. Деҳқоновнинг тадқиқот ишлари, В. Каримованинг тадқиқот ишларида меҳр ва мурувватни тарбиялаш масалаларига эътибор берилган.

Маҳалла масаласи Ўзбекистонда қатор муаллифлар томонидан тадқиқ қилинган. Лекин жаҳон тажрибасида маҳаллалар тадқиқоти кам. Бироқ ривожланган мамлакатлар шарқ анъаналарини ўрганиб, XX асрнинг иккинчи ярмида муниципалет(маҳаллий ҳокимият)ларни ташкил қилдилар. А. Жалиловнинг “Маҳалла” китобида ўзбек маҳалласининг шаклланиши, унинг ўзини-ўзи бошқариш органига

айланиши таҳлил қилинган бўлса¹, проф. М.Абрамов, А.Иброҳимов, Н.Малицкийнинг асарлари Самарқанд, Тошкент шаҳарлари маҳаллалари ҳақида маълумот беради.² Ўзбекистон “Маҳалла” жамғармаси томонидан нашр қилинган “Маҳаллалардаги айрим муаммолар уларни бартараф этиш усуллари” рисоласи ҳам бу соҳада алоҳида аҳамиятга эга.³ А.Гадойбоев ҳам бу соҳада аҳамиятли тадқиқотни амалга оширган.⁴ Ёшлар маънавияти, тафаккури, баркамол инсон тарбияси А.Эркаев, Ш.Мадаева, Ғ.Шодиев, А. Маврулов, У.Саидов, Б.Умаров, Ф.Эргашев ва бошқаларнинг асарларида баён этилган.⁵ Жумладан, Тер ДУ профессор ўқитувчиларидан проф. М.Э. Ҳайдаров, проф. Б.О.Қодиров, доцент А.Э. Кенжабоев, п.ф.н. М. Бозороваларнинг ҳам ёшлар тарбиясига оид кўплаб илмий мақолалари chop этилган ва бугун ҳам бу муаммолар устида илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Тадқиқот муаммосининг педагогик назарияси ва амалиётида ўрганилиши ҳолатини таҳлил этиш уларнинг аксариятида олий ўқув юртларида педагогик тайёрлаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилганини кўрсатади. Аммо кўриб чиқилган тадқиқот ишларида умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг бугунда ёшларга миллий ғояни етарли даражада етказа олмаганлари муаммо бўлиб келмоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек, бугун ҳар бир

¹. Жалилов А.Маҳалла.-Т.: “Маънавият”,1998йил.

². Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи.-Т.: “Маънавият”,2007 йил; Малицкий.Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари.-Т.: “Фан”,1996 йил.

³. Маҳаллалардаги айрим муаммолар , уларни бартараф этиш усуллари.-Т.: “Ҳилол-Медия”, 2011 йил.

⁴. Гадойбоев А. Халқ йўли-ҳақ йўли.-Т.: “Маънавият”, 2004 йил.

⁵. Эркаева А. Маънавият-миллат нишони.-Т.: “Маънавият”, 1999 йил; Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур.-Т.:2007 йил; Шодиев Ғ. Маънавият ва ёшлар.-Т.:2008 йил; Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси.-Т.: 2005 йил; Саидов У, Умаров.Б, Эргашева Ф.Баркамол инсон тарбияси.-Т.: 2005 йил.

оила, маҳалла, ўқув масканлари ёшларимизда миллий ғоя руҳини сингдириш ишларида масъулдир. Шу сабабли биз илмий тадқиқот мавзусини “Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни” деб белгиладик. Унда қуйидаги масалаларни тадқиқ қилишга асосий эътиборимизни қаратганмиз.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ёшларда миллий онғни тарбиялаш, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг имкониятлари жуда катта эканлигини баён этганмиз. Бу жараённинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, яъни соғлом тарбияланган, тарбия кўрган ота-оналар, ўз фарзандларини ўз халқининг, миллатининг, Ватаннинг етук инсонлари қилиб тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди. Лекин носоғлом, камчилик, муаммоларга эга бўлган, носоғлом ҳуқққа эга бўлган ота-оналар, ўз фарзандларини етук инсон қилиб тарбиялашда, маълум нуқсон камчиликларга йўл қўйиши мумкин. Бундай шароитда эса маҳалланинг кенг доирадаги ғоявий тарбиявий ишларни олиб бориши, ҳуққи оғишган ёшларни халқимиз талаб ва эҳтиёжларига мос қилиб тарбиялаши мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Тадқиқот объекти. Магистрлик диссертациямизнинг объекти оила ва маҳалла институтлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Педагогик таҳлил, қиёсий таҳлил, сўровнома, савол-жавоб, суҳбат, кузатиш, педагогик тажриба, математик статистик методлари.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни оширилса, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг сифат ва самарадорлиги ошади. Агарда:

-педагогик фаолиятда, оила ва маҳалланинг ўрни ва аҳамияти белгиланса;

-тарбия жараёнида ёшларнинг миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг тизими ва технологияси ишлаб чиқилса;

-ота-оналарга, маҳалла йиғини оқсоқолларига, ўқитувчиларга кўрсатиладиган методик ёрдамни янада такомиллаштириш учун дастурлар ишлаб чиқиш;

-ўқитувчи-тарбиячиларни, ота-оналарни интерфаол жараёнида тармоқли методлар орқали билим даражасини ўстириш.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, Оила кодекси, Маҳалла низоми, 1998 йил “Оила йили” Давлат дастури, 2012 йил “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури, Шарқ мутафаккирларининг миллий тарбия ҳақидаги ғоялари.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Миллий ғоя тушунчасига таъриф берилганлиги, ёшлар таълим-тарбиясида оила ва маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришнинг тайёрлаш механизмини ишлаб чиқилганлиги, талаба ёшларга амалий тавсиялар берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ишда илгари сурилган назарий қарашлар таълим муассасалари фаолиятини мазмунан бойитади, таълим-тарбия жараёни такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги. Уларнинг тадқиқот мақсадини ижобий ҳал этишга хизмат қилиши. Кузатиш, суҳбат методларининг тўғри танланганлиги. Тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминлашга нисбатан технологик ёндошувнинг қарор топганлиги. Тажриба-синов ишларининг натижаси. Математик-статистик таҳлил натижасига кўра тадқиқотнинг самарали яқунланганлиги каби ҳолатлар билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация ишининг асосий ғояси ва мазмуни умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари учун тайёрланган дарсликлардаги мавзуларда миллий ғоя руҳидаги тарбия мезонлари, оила, маҳаллага оид мавзуларни бойитишда инновацион тармоқли методлар, тарбия технологияси методлари орқали ўқув, тарбиявий ва услубий қўлланмалари ҳамда тарбиявий ишланмалар мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Магистрлик диссертацияси мазмуни ва тадқиқот натижалар илмий методик мақолалар, “Оила ва ғоявий тарбия” ҳамда “Маҳалла ва ғоявий тарбия” (Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий, моддий-маънавий маданияти.-Термиз:2011, 125-129 бет) ва ТерДУ профессор-ўқитувчилар конференциясида акс эттиришга ҳаракат қилганмиз.

Ҳимояга қуйидаги ҳолатлар олиб чиқилади.

-ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда, оила ва маҳалланинг муҳим эканлиги;

-ўқитувчи тарбия жараёнида ёшларни фаолиятга тайёрлашда тармоқли методлар орқали ва интерфаол тарбия усуллариининг асосий восита эканлиги;

-таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун тарбия технологияларни ва интерфаол методларни қўллаш.

Ишнинг тузилиши. Магистрлик диссертация иши: кириш, уч боб саккизта параграф, шунингдек, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат.

I-боб . Оила – муқаддас даргоҳ

I.1. Оила келиб чиқишининг тарихий илдизлари

Маълумки шарқда оила, оила қуриш, унинг мустаҳкамлиги, фаравонлиги, барқарорлигини таъминлаш инсоннинг ўз миллати, аждод – авлодлари ва жамият олдигаги энг муқаддас бурчларидан бири ҳисобланади. Оила, эр – хотин муносабатлари қадимги кўлёмаларда, жумладан, буюк мутафаккир Зардушт диний асар сифатида бир тизимга солган “Авесто”да ҳам етарлича ўз ифодасини топган бўлиб, унда барчанинг оила ва оилавий муносабатларга оид қоидаларга риоя қилиши лозимлиги таъкидланган. Асарда эр-хотиннинг вафо ва садоқати юксак баҳоланиб, уларнинг бир-бирларига ғамхўр ва меҳрибон бўлишларига эътибор қаратилган. Унда яқин қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган, кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги уқтирилган. Бир нечта фарзандни тарбиялаган аёллар мукофотланишга сазовор эканлиги таъкидланган. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилган.

Қадимги шарқ фалсафасида ва муқаддас Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифда оиланинг муқаддас қадриятлардан бири эканлиги ўз тасдиғини топган. Бола туғилган кундан бошлаб, оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайдилар ва ҳис этадилар. Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари ўта ибратлидир: “Агар оила соғ ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради”. Ўзбек оиласи мустабидлик даврида ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади. Шукрки, чуқур тарихий заминга эга бўлган

оилавий урф-одат ва анъаналар ҳам кўҳна, ҳам замонавий қиёфаси билан ўзбек оиласини қадимий маданиятини бутун жаҳонга кўз-кўз қилиб турибди. Юртимиздаги ҳар бир инсон учун ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади. Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Оила жамият тарихида азалдан мавжуд бўлмаган. Ибтидоий жамоа тузумининг биринчи босқичида, кишилар тўда-тўда бўлиб яшаётган даврда жинслар орасидаги муносабатлар муайян тартиб қоидага эга бўлмай тўдадаги барча эркеклар ва аёллар бир-бирларига умумий эр-хотин ҳисобланган. Тарихий тараққиёт жараёнида жинсий муносабатлар аста-секин муайян тартибга солина бошланди. Дастлаб ота-она билан фарзандлар сўнгра ака-ука ва опа сингиллар орасидаги жинсий муносабатлар таъқиқланиб гуруҳли оила пайдо бўлган. Лекин, бу оилаларда ҳали эр-хотин никоҳи барқарор алоҳида ҳўжаликка эга бўлмаган. Бу даврда табиий ўз вазифасини тугаллади, яъни жинсий муносабатлар доирасидан қон-қариндошлар истисно қилинди. Жинсий муносабатлар фақат бир эркек ва бир аёл муносабатига айланди. Ижтимоий ишлаб чиқариш-чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши билан эркеклар меҳнатининг қадри ошди, маҳсулот ишлаб чиқаришда улуши ортди, бинобарин, уларнинг ижтимоий мавқеи ҳам тубдан ўзгарди. Мавжуд қоида, тартиблар-фарзандларнинг онагагина тегишли бўлиши, она мулкига меросхўр саналиши, эркекларнинг янги мавқеига зид келиб қолди. Натижада, ота ҳуқуқига асосланган патриархал оила вужудга келди. Шундай қилиб, ҳозирги индивидуал оиланинг ўтмишдоши-моногам оила вужудга келган.

Оила халқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмишига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказди. Яхшиларини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказди. Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан уларга бошланғич

ижтимоий йўналиш беради. Ўз фарзандларини катта оқимга-жамиятга кўшиш билан эса оила жамият йўналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас кўрғон ҳисобланиб келинган. Хусусан, ўзбек оилаларининг серилдизлик, сербутоклик хусусиятлари ҳозир ҳам сақланиб турибди. Ўзбекларда оилаларнинг муайян турмуш тарзи шаклланиб ҳаётий тажриба ортириб бориши, тежамли ва саришта рўзғор тутиши, фарзандларни одобли, маънавий етук бўлиб камол топишида кексалар, ота-оналарнинг роли катта. Ўзбек оилалари ўзларининг мустаҳкамлиги, сарамжон-саришталиги, болажонлиги, кариндош-қондошлик ришталарини ҳурмат қилиши, меҳр-оқибатли ва бошқа қадриятлари билан ажралиб туради. Тангрининг буюк неъматини ҳисобланмиш, фарзандга ризқ-насиба бериш, уни тарбиялаш, юртнинг асл фарзанди этиб, вояга етказиш ота-она зиммасига катта масъулият юклайди.

Шарқона миллий қадриятларимизда, хусусан, Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий, Абу Насир Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирларнинг мумтоз асарларида болаларни оила муҳитида тарбиялаш масалалари илгари сурилиб, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибат-ул Ҳақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Шайх Саъдийнинг “Бўстон ва Гулистон”, Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат-ул Аброр”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби ана шундай дурдоналар сирасига киради. Шунингдек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, аз-Замахшарий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ва бошқаларнинг илмий рисолаларида болаларни оилада тарбиялаш масалалари илгари сурилган бўлиб, улар маънавиятимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Қадимги Юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту бола

тарбиясининг жамият ўз ихтиёрига олиши, тарбия жараёнидаги барча зарур ишларни давлат бажариши лозим деган ғояни илгари сурган эдилар. Улар ўз фикрларини асослашда фарзанд тарбиясининг жамият манфаатлари билан боғлиқлигига асосланганлар. Шарқона кадрятларда эса бола тарбияси билан ота-она шуғулланиши кераклигига урғу берилган. Бу билан улар оилавий тарбиянинг аҳамиятини эътироф этганлар.

Фаробийнинг тарбияда жамиятнинг тутган ўрни ҳақидаги фикрларида бола тарбиясига фақатгина ота-она эмас, балки қўни-қўшни, ёр-биродар ва маҳалла-куй ҳам жавобгар эканлиги ҳақидаги содда ва айни чоғда буюк шарқона карашлар асослаб берилган. Фаробий томонидан илгари сурилган фикрлардан шахс ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат, деган педагогик қониданинг куртаклари қадим даврлардаёқ мавжуд бўлганлигини, вазиятнинг ўзгариши бу тарбияга таъсир қилиши ҳақида қимматли мулоҳазаларни баён этишган. Ал-Хоразмийнинг “Замондан яхшироқ таълим берувчи муаллимни, инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим”, деб айтган сўзларида унинг ижтимоий муҳитнинг бола тарбиясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш ва инсон шахсининг таълим натижасида камолотга эришиши уқтирилган. Абу Райҳон Беруний фарзанд тарбиясида тан ва руҳ поклиги масаласига алоҳида эътибор берган. Унинг фикрича, оилада тозалик, покизалик ва тартиб мавжуд экан, у ерда маънавий поклик ҳам бўлади. У ота-оналарга фарзандини мўътадилликда сақлашни тавсия этади. Бунга асосан, болани қаттиқ ғазабланиш, қўрқитиш, ҳафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эрилишини айтиб, улар истаган фойдали нарсани топиб бериш, севмаган нарсасидан узоқлаштириш лозимлигини таъкидлайди. Ота-онанинг болага турли муносабати турлича халқларни келтириб чиқаради.

Оилада бола тарбияси масаласи, Абу Али ибн Синонинг илмий меросида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. У ўзининг қатор асарларида боланинг саломатлиги, тарбияси, руҳияти ҳақида қимматбаҳо фикрларини ёзган. Жумладан, “Тадбири ал-манозил” номли асарининг каттагина қисми оила ва оилавий тарбия масалаларига бағишланган. Бунда у бола тарбияси анча мураккаб ва нозик бўлиб, тарбияни боланинг мурғаклигидан бошлаш ва изчиллик билан олиб бориш лозимлигини уқтиради. Алломанинг “Тиб қонунлари” номли асарида болага туғилмасдан олдин ғамхўрлик қилиш учун онанинг саломатлиги, жисмоний ва руҳий поклигига эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган. Ибн Синонинг “Тадбири ал- манозил” асарида эр-хотиннинг яхши сифатлари санаб ўтилади. Уларнинг бола учун ўрнак бўлиб, унинг келажак тақдирини ўйлашлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида эътироф этилади. Шунингдек, у меҳнатсеварликнинг бола тарбиясидаги аҳамиятини таъкидлаб, ота-оналарни ўз фарзандларига касб-хунар ўргатишга чақиради, меҳнатсиз ҳаёт кечиришнинг болага салбий таъсирини кўрсатиб беради. Оила, бола тарбияси масаласи, буюк шоир, ҳазрат Алишер Навоийнинг адабий-меъросида ҳам муносиб ўринни эгаллайди. У ота-онанинг яхши сифатларини улуғлайди. Бундай сифатларни уларда жамулжам бўлиши бола тарбиясида муҳим рол ўйнашини кўрсатиб ўтади. Хусусан, Алишер Навоий оиладаги айрим ўзаро келишмовчиликлар бола тарбиясига салбий таъсир қилишини, оиланинг бузилишига олиб келишини таъкидлайди.

Мамлакатимиз давлат мустақиллиги туфайли халқимизнинг азалий миллий урф-одат ва маросимлари қайтадан тиклана бошланди, бу удумлар оилани мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ҳукумати оила масалаларига давлат сиёсати даражасида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг

асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эга. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошқа қонуний ҳужжатлар ҳам қабул қилиниб, амалий тадбирлар белгиланган. Жумладан, ”Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”1994 йил 22-августда фармон чиқарилиб, мухтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни қўллаш кенгайтирилди. Оилани жамиятнинг раванг топилишидаги тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини яхшилашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда изчил таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 1998 йилни, “Оила йили”деб эълон қилди. Шунга асосан, оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида давлат дастури ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика “Оила”илмий-амалий маркази ва унинг қуйи бўлимлари ташкил этилганлиги оила, оналик ва болалик манфаатларини нафақат ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш, балки илмий-амалий нуқтаи назардан ўрганиш, илғор ғоялар асосида оила фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар деб очасидир.

Оилавий ҳаёт масалалари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Оила кодекси Олий Мажлиснинг 1998 йил 30-апрелдаги қарори билан тасдиқланиб, ушбу йилнинг 1-сентябрдан амалга киритилди. Эътиборлиси, Оила кодекси мамлакатимизда “Оила йили”деб эълон қилинган йилда қабул қилинди. Ушбу кодекс: 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат. Унда бир қатор, оилавий ҳуқуқий муносабатлар янгича ҳал этилган. Чунончи, миллий негизларга асосланганлиги яъни қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик, бобо-бувилар ва набиралар

ўртасидаги муносабатларнинг янгича талқини, умуминсоний қадриятлар акс этганлиги никоҳ шартномаси институтининг киритилиши, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини, ёш oilalar учун дастлабки 5 йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилди. Республика гинекалогия-акушерлик илмий тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Айни вақтда Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз каби қатор шаҳарларда, энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган “Она ва бола скрининги” тиббий марказлари ишлай бошлагани диққатга сазовордир. Ногиронлик ва ногирон фарзандлар туғилишини олдини олиш мақсадида, Республикамизнинг барча ҳудудларида ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни скрининг кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди. Тошкент шаҳрида “СОС-Ўзбекистон болалар маҳалласи”нинг бунёд этилганлиги ҳам бу борадаги ютуқлардан биридир. Болалар маҳалласининг бош мақсади-етим болаларни oila ҳарорати муҳотида тарбиялашдир.

Кейинги йилларда юртимизда ҳар қайси йилга аниқ бир ном бериб, шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши анъанага айланиб қолди. Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда, кириб келаётган янги 2012 йилни, юртимизда “Мустаҳкам oila йили” деб ном беришни таклиф этди. Янги йилга бундай ном берилиши, халқимиз учун муқаддас бўлмиш, oilани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини, деб қабул қилишимиздир. Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлагандек: “oila соғлом экан-жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан-мамлакат барқарор”. Шу муносабат билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда, айни

шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозимлигини таъкидладилар.

Биринчидан, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бу-масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш.

Иккинчидан, катта умид билан ҳаётга кадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш, буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир.

Учинчидан, “Мустаҳкам оила” деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Ҳозирда “Маҳалла-халқ виждони” деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб, айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонлардан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Тўртинчидан, оилани янада мустаҳкамлашда, оила олдида турган вазифаларни ҳар тамонлама амалга ошириш-авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш. Айниқса, ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг опасингилларимизнинг оғирини енгил қилиш. Бешинчидан, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий

табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда, оила мустаҳкам таянчдир. Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан боғлаб бўлмайди. Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан-бу болалар боғчаси ёки мактабми, лицей-коллежлар ёки олий ўқув юртлари бўладими, ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш. Янги йилда ўз олдимизга мана шундай олижаноб мақсад ва вазифалар қўйилди. Бундай интилишларимизни амалга-ошириш учун давлат идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик бутун халқимиз бир ёкадан бош чиқариб, фаол иштирок этиши таъкидланди. 2012 йил 29-февралда “Мустаҳкам оила йили” давлат дастури эълон қилинди. Унда бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда норматив ва ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш амалдаги қонун ҳужжатларга оила институтини ривожлантиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, уй-жой билан таъминлаш, кундалиқ ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, мустаҳкам оила йили мақсад вазифаларини ҳаётга тадбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам беришдир. Ўтган қисқа вақт мобайнида оила муқаддаслигини таъминлаш борасида эришилган ютуқлар негизида

мамлакатимиз буюк келажагини пойдеворини мустаҳкамлаш ва унинг таракқиётига ишонч ётибди.

1.2. Ота-онанинг ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашдаги ўрни ва роли

Мустақиллик асрлар давомида ота-боболаримизнинг қалбини банд этиб келган армон, яъни амалга ошаётган орзу эди. У ижтимоий аҳамиятга эга бўлгани, борган сари бутун халқимиз манфаатларига жавоб берган мақсадга айлангани учун охир-оқибатда барчани бирлаштирадиган миллий ғояга айланди. Юртимизнинг фидойи фарзанди, юртбошимиз И.А.Каримов бошчилигида ана шу орзу, 1991 йил 31-августда амалга оширилди. Инсон учун киндик қони томган кадрдон ўлкада яшаш қанчалик улуғ бахт бўлса, унинг келажагини барпо этиш ҳам шунчалик катта бахтдир. Барчанинг зиммасида ҳам ана шундай масъулиятли вазифа мавжуд. Шунинг ёдда тутиш керакки, бунёдкор авлоднинг иштирокида барпо этилаётган жамият Ватанимиз тарихидаги энг адолатли, демократик, эркин ва фаровон жамият бўлади. Бу жамиятнинг қиёфасини озод ва обод Ватан бағрида вояга етган, ҳар томонлама баркамол, ақлли ва истеъдодли, иқтидорли, кучли ва ғайратли инсонлар белгилаб беради.

Ватан-инсон учун бебаҳо бойлик. Ватаннинг борлиги одамга беқиёс куч-қудрат, ғайрат-шижоат бахш этади. Чунки инсоннинг энг покиза ва муқаддас туйғулари ўзи туғилган, вояга етган замин-Ватаннинг бағрида уйғонади, камолга етади. Киши кадрдон юртида ўзини озод ва эркин ҳис қилади. Шунинг учун халқимиз “Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл” дейди. (Ултон-чўпон дегани.) Демак, ўз юртимизда оддий касб эгаси бўлмоқ, ўзга юртда подшоҳ бўлишдан афзалдир. Ватан ҳақида гапириш, Ватан ҳақида фикр юритиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятлидир. Чунки, Ватанини эслар экан, одам ўзини буюк бир мамлакатда, буюк бир халққа, буюк бир тарих ва буюк бир келажакка дахлдор эканлигини англайди. Бундан қалби қувончга,

фахр-у ғурурга тўлади. Ватан туйғуси ёшликда бошқача бир гўзал, улғайганда бошқача бир гўзал бўлади. Ватаннинг ўзи қанчалик бебаҳо бўлса, у билан боғлиқ туйғулар ҳам шунчалик бебаҳодир. Шунинг учун уларни ёшликдан тарбиялаб бориш, камолга етказиш катта аҳамиятга эга. Чунки, Ватан туйғуси инсоннинг доимий эҳтиёжи, абадий ҳамроҳидир. Бу туйғу қанчалик мукаммал бўлса, инсон шунчалик баркамол бўлиб улғаяди. Шунинг учун ҳам, Президентимиз И.А.Каримов “Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдек пок ва улуг бўлмоғи керак”,¹ -деб таъкидлаган.

“Ватан” сўзи арабча бўлиб “туғилган макон” деган маънони билдиради. Бу ҳақда маърифатпарвар бобомиз, Абдулла Авлониё шундай деган: “Ҳар бир кишининг туғулиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жондан ортиқ суяр, ҳатто бу Ватан ҳисси, туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан-уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, маишати талх бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турар”.² Яна бир, шоир ва маърифатпарвар Сидқий Хондайлиқий Ватани таъриф этиб шундай дейди:

“Ватан надур? Тукқан ерим, турғон ерим,
Ўсиб-ўниб, ўйнаб кулиб, юргон ерим.
Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,
Эсдан чиқар они кўргоч, кўргон ерим”.³

Ватанни севмоқ иймондандир, дейилади Ҳадису шарифларда. Мен ушбу иншомни муборак Ватан ҳақида бағри кенг ва дилкаш ўзбегим ҳақида

¹Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.-Тошкент:“Ўзбекистон”,199682-бет. ²⁻³. Ватан ва миллат муқаддасдир.-Тошкент: “Маънавият”, 2000, 10-бет.

айтаётганимдан бахтиёрман, деб-Нилуфар Мадаминова шундай дейди:

Ўзбекнинг кимлигин фидодан сўра,
Қадимий, Урхуний нидодан сўра.
Доро-ю, Искандар, муғул айтмаса,
Тепангда ёлғиз ул Худодан сўра.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, давлат рамзларига эга бўлди. Ўз тилига, комусига, гербига, байроғига, президентига, мадҳиясига, чегарасига, валютасига ва армиясига эга бўлди.

Дил яйрар мадҳиянг-наволарингдан,
Тасаддуқ, туғингу туғроларингдан.
Ўргилай бахт қушинг, Хумоларингдан,
Ватаним-ғурурим, шаъним иймоним.
Келажаги буюк Ўзбекистоним.

“Юртдошларимиз меҳнатсеварлиги, интилувчанлиги, яратувчанлиги, ижодкорлиги натижасида она-Ватанимизда, бунёдкорлик ишлари авж олди ва бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонинг энг гўзал гўшаларидан бирига айланди”¹, деган эди Нилуфар Мадаминова. Шу ўринда Озод Шарофиддинов ҳам таъкидлагандек: “Сиз билан бизга оллоҳ Ўзбекистон деб аталган, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғи бор, боғ деса боғи бор, ҳар тонгида булбуллар мадҳини ўқиб тамом қилмайдиган бир юртни, Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни бахтли деб билмоғимиз керак.”²

Дарҳақиқат, Ватанни ҳар қанча севиб асрасак, уни ардоқласак, Ватаним, элу-халқим, деб қанчалик хизмат қилмайлик бу албатта биз учун камлик қилади. Шу ўринда, Хуршида Саиднўъмонованинг, Ватан ҳақидаги қуйидаги сўзларига эътибор берайлик: “Ватан! Сен менинг туғилиб ўсган қишлоғим, гуллари атри мени гўзалликга етаклаган

¹⁻². Дилларда Ватан мадҳи. –Тошкент: “Ўзбекситон”, 2007, 6-8-бетлар.

гулбоғим, шодон куним, гул отган нолон куним, юпатган онам, жисмим кўним топган қошоам, тарихи асрларни енган азим чинорим, кўксимдаги ифтихоримсан. Ватан! Менсиз яшаш мумкин, лекин мен Ватанисиз яшайолмайман. Менинг бугуним ва эртам Ўзбекистондай юртим борлигида. Мен шундай камол топайки, Ватаниснинг бугуни ва эртаси учун керак бўлай. Унинг корига яраш, дунё саҳнасига олиб чиқишда, менинг ҳам ҳиссам бўлса, мен энг бахтиёр фарзандман”.¹ Ҳа, Хуршида Саиднўъмонованинг айтган гапларидан ибрат олсак арзийди. Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда турли йўлларида фойдаланиш лозим. Хусусан, ўз юртининг шонли тарихи, бекиёс табиати, унинг бағрида яшайдиган халқнинг фазилатлари, урф-одат ва кадрятларини онгли равишда биладиган, уларнинг маъносини тушуна оладиган одамгина Ватаннинг кадрига етади. Унинг шон-шавкати ва обрўси учун жон куйдиради. Унинг ҳимояси учун аввало оллоҳ қалбимизга, ато этган илоҳий муҳаббат, туғилиб ўсган шаҳримиз ёки қишлоғимизга, бутун Ўзбекистонимизга бўлган меҳр ва садоқат туйғусини пок сақлашимиз лозим. Ватани англаш учун ўзимизни, бизни халқимиз, узоқ-яқин аждодларимиз, ким бўлгани, улар қандай мақсадалар йўлида курашиб яшаганини англашимиз лозим. Шуни унутмаслик керакки, дунёда кўп қусур-у гуноҳлар кечирилиши мумкин, аммо ота-онасига, умр йўддошига, ёр-у дўстларига, Ватанига хиёнат асло кечирилмайди. Бундай кишининг иши ўнгидан келмайди. “Инсон баъзан ўз тақдиридан, омадидан, кундалиқ ҳаётидан норози бўлиши мумкин, лекин у ҳеч қачон ҳеч қандай вазиятда ўз ватанидан хафа бўлиши, кимгадир зарда қилиб, қандайдир алам билан, эл-юртига нисбатан хиёнат йўлига ўтишини мутлақо ғайриинсоний, ғайритабиий ҳолат, деб биламан”-² деган эди Юртбошимиз Ислом Каримов.

¹ Дилларда Ватан мадҳи.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2007, 9-бет. ² Каримов И.А. Камолот ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. Халқ сўзи, 2001 йил 25- январь.

Инсон аслида бахт ва эзгулик учун дунёга келади, шу орзу умид билан яшайди. Лекин фақат орзунинг ўзи билан иш битмайди. Киши шу орзуларига етишиши учун тинимсиз интилиши, ғайрат кўрсатиши, бошқалардан яхшилик кўриши учун ўзи ҳам яхшилик қилиши лозим. Инсоннинг шаклланиши, ҳаётга ўз ўрнини топиши, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлишида у вояга етадиган оила муҳити ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир. Шунингдек, оила инсонларнинг турмуш кечириши ва ҳаёти давомийлигини таъминлаш тарзидир. Шарқда оила азалий эъзозга эга бўлган, комил инсонни тарбиялаб вояга етказадиган муқаддас макон саналади. Шарқ маънавияти, унинг дунёқараши, миллий ғояси, инсоннинг тасавур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи, асосан оилада шаклланади. Ёшлар тарбияси ҳаётини зарурий масаладир. Ўтмишнинг буюк донишманд мутафаккирлари ўз давридаги ижтимоий тузумнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий асослари қандай бўлишидан қатъий назар бола тарбияси масаласига биринчи даражали иш деб қараганлар. Шундан маълумки, исталган бир тузумни насл-авлодсиз ёки унинг тарбиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оила эса тарбияда бош маъсул.

Оила фаолиятида ҳам ўз аъзоларига, яъни фуқароларига ғамхўрлик, болалар тарбияси, уларнинг келажагини таъминлашда етакчи ўрин тутди. Жамиятда бўлгани каби оилада ҳам аёлларнинг бекиёс ўрни ва хизматлари бор. Бу кичкина давлат тақдири эса бевосита катта давлат, мамлакат тақдири ва шулар орқали бутун инсоният тақдирига таъсир кўрсатади. Давлат оиласиз, оила аёлсиз бўлмайди, шунинг учун аёл ва оила масалалари сиртдан қаралганда жуда қадимий, жуда доимий бўлиб, унга махсус тўхталишнинг зарурати йўқдай, гўё бу борада барча вазифалар аниқдай туюлади. Бироқ ана шу масалалар асрлар бўйи шаклланган тажрибалар асосида бозор муносабатлари

шароитларида янгича ёндашувни талаб қилади. Ҳар қандай жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш оиладан, болаликдан бошланади. Болаларни соғлом қилиб тарбиялашда, аёлларимизнинг ўрни бекиёсдир. Аёлларнинг мулоқот фаолиятини ўзбек оилаларида шартли равишда: аёл ва ота-она (қайнота ва қайнона), аёл ва эр, аёл ва кариндош- уруғлар аёл ва фарзандлар муносабатларига ажратиш мумкин.

Шахс маданияти, дунёқараши, тасаввур ва эътиқодига боғлиқ кўникмалар дастлаб оилада шаклланади. Оила том маънодаги маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбиянинг асосий омили ва муҳитидир. Ота ибрати, она меҳри бунда муҳим ўрин тутadi. Оила ва унинг муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга садоқат, иймон-эътиқод, масъулият инсонпарварлик, ватанпарварлик, илм ва маданият кўникмалари шаклланади. Касбни пухта эгаллаш ва фидойилик билан меҳнат қилиш учун илм қанчалик зарур бўлса, фозил фарзандларни тарбиялаш учун ҳам шунчалик муҳимдир. Ота ибрати, она меҳри муҳим ўрин тутadi. Оила ва унинг муқаддас анъалари орқали ёшларда Ватанга садоқат, иймон-эътиқод, масъулият, инсонпарварлик, Ватанпарварлик илм ва маданият кўникмалари шаклланади. Касбни пухта эгаллаш ва фидойилик билан меҳнат қилиш учун илм қанчалик зарур бўлса, фозил фарзанларни тарбиялаш учун ҳам шунчалик муҳимдир. Ўрта асрда яшаб ижод қилган истеъдодли шоирлардан бири Абдибек Шерозий ота-онага, аёл кишига илм қанчалик зарур экани тўғрисида шундай ёзган эди: “Илм-аёл учун зийнат. Ақлини нодонликдан холос этган ҳар бир аёл номус, иззат, аёллик каби ҳақиқатлар қадрини тушуниб етади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса, бола тарбиясида турли хатоларга йўл қўйяди”.

Ота-оналик бурчига эътиборсиз қараш фуқоролик масъулиятини ҳис этмаслик муҳим ижтимоий бурчни бажармаслик билан баробардир. Чунки, болани дунёга келтиришга нисбатан, уни жамиятга

нафи тегадиган соғлом эътиқодли қилиб тарбиялаш мушқилроқдир. Ғоявий тарбияда айниқса онанинг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Бугун юртимизга аёлларга жамият томонидан билдираётган юксак ишонч замирида ҳам оналарга меҳр муҳаббат, уларни ҳаётимизнинг гултожи сифатида қадрлаш мавжуд.

Дарҳақиқат, оила шундай маконки унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади. Миллий ғоя, миллий маданият урф-одатлар, ахлоқий қадриятлар сақланади ва ривожлантирилади. Ҳар бир оила аҳил ва тотув бўлса, демакки, жамиятда ҳам тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оилани бекорга умумжамиятнинг мўжаз кўриниши демайдилар. Худди жамиятда бўлгани сингари унда ҳам ўзининг бошлиғи, шунингдек унинг ўзини ва кўрсатмалари билан у ёхуд бу ишни бажарувчи аъзолари бўлади. Доно, тадбиркор, узоқни кўра биладиган раҳбардан жамият тараққиётини бошқариш талаб этилса, оила катталари ҳам ўз уйининг тинчлиги, фаравонлиги, фарзандлар камолига шунчалик масъулдирлар. Ўзбек оилалари жамиятда эр-хотин умуман аёллар ва эрлар муносабатини илмий-сиёсий тилда оила демократияси, деган тушунча билангина ифодалаш мумкин. Бу демократия ўзига ҳос миллий ҳодиса бўлиб, шаклан эрнинг ҳуқумдорлиги, мазмунан тенг ҳуқуқликка асосланган. Ўзбек оилаларига эр-хотин тенг ҳуқуқли бўлиб келган. Бироқ эр боқувчи сифатида оила бошлиғи ҳисобланган. Халқнинг “Эр хотин-қўш ҳўкиз”, деган мақоли оилавий демократияни, “Хотин-эрнинг вазири” ҳикмати, бу демократияда эрнинг маълум бир имтёзларга эгалигини ифодалайди. Оила ҳаётига оид бирорта муҳим иш оила аъзоларининг келишувисиз ҳал бўлган эмас. Маълумки, нафақат оилада балки ҳар қандай ташкилот ва давлатда ҳам икки киши бошчиликка даъво қилса, улар тезда инқирозга учрайди. Эр оилада аёл билан келишмай бирор каттароқ тадбир ўтказиш у ёқда турсин, 2-3 та меҳмон ҳам айтган

эмас. Бу ҳақиқатни ҳар бир ўзбек жуда яхши билади. Тарихий миллий ананаларда оилада бола тарбияси ҳам асосан аёллар зиммасида бўлган “Отаси тентакнинг-биттаси тентак, онаси тентакнинг-бариси тентак”, деган ҳикмат ана шунинг ифодасидир. Шу сабабли: “Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажагимизни кураётганда бекиёс миллий кадрият бўлмиш оилани асосий таянч деб биламиз чунки, ўзимизга қайтиш миллий урф одатларимизни эъзозлаш катталарга ҳурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одабийлик, ҳалоллик, олийжаноблик, меҳр оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади”¹ - дейди Юртбошимиз.

Биз ҳаётни, Ватанни, аёл ва оиласиз тасаввур қила олмаймиз. Ўзбеклар оилани Ватан ичидаги Ватан деб билишади. Агар фалончи Ватанли бўлибди, десалар, кимдир оила қурган бўлади. “Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушанчаси, аввало оиладан бошланади, дейди юртбошимиз,- шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий ва ахлоқий аҳамияти, кадр- қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз”.² Ўзбек аёлининг ўзига хослиги, аввало эрига ҳурмати, ибоси, ҳаёси, болажонлиги, оилага садоқати, сабр-бардошида кўринади! Академик шоиримиз Ғофур Ғулом ўзбек халқининг кўнглидаги гапни топиб айтган:

Бизнинг хотинларга ҳайё фазилат,
Меҳнат бор муҳтожлик доим бегона.
Онамсан, Ёримсан, Синглимсан фақат,
Дунёда энг азиз дўстим, ягона.

¹. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкен: “Ўзбекистон”, 1999 йил 7-том 252-253-бетлар

². Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000, 8-том, 502-503 бетлар.

Ўзбек аёлининг ўзига хослиги аввало оилада кўринади. Янги шароитларда оила қуриш, бола тарбиялаш, оила маданиятини, бирлигини мустаҳкамлаш, хотин қизларнинг маҳалла жамиятдаги ролини ошириш, доимгидек энг аввало, маънавий билан боғлиқ вазифадир. Барча даврларда оилада жамиятнинг асоси бўлса аёллар ана шу асоснинг таянчи бўлган. Жамиятлар, сиёсий тузум, ишлаб-чиқариш шакллари қандай бўлишидан қатий назар, аёллар бола тарбияси, оила мустаҳкамлиги, маҳалла тинчлигини таъминлаш ва шу орқали Ватан келажагини яратишда етакчи кучлик фазилатини сақлаб қолганлар. Ҳозрги кунда, оилада ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда ота-онанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Улар фарзандини шаклланиши лозим бўлган барча инсоний жиҳат унинг фазилатларини тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади. Бу мактабнинг тамал тоши эса турмуш кўрадиган йигит ва қизнинг бири-бирига муносиб экани билан қўйилади. Бўлажак ота-онанинг саломатлиги, насл-насаби, дунёқараши, ахлоқий тушунчалари, моддий ва маънавий даражасининг ўзаро мослиги, турмуш қуришга ҳар тамонлама тайёрлиги, оиланинг мустаҳкамлиги, ёруғ келажаги фарзанд тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Соҳибқирон Амир Темур ўғил уйлантиришда, келин танлашдан тортиб, фарзандларини тарбия қилишгача бўлган жараёнларни, муҳим тадбир даражасига кўтаргани ҳам бежиз эмас. Чунки, ҳар қандай давлатнинг қудрати-соғлом фикрли, билимли, миллат, халқ, Ватан тақдири учун жонини тикишга тайёр фарзандларнинг кўплиги билан ўлчаланади. Қолаверса биз мансуб бўлган Шарқ халқларида оила шаъни ва обрўсини сақлаш, уни ҳар қандай тажоввузлардан ҳимоя қилиш оиланинг ҳар бир аъзоси учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

Оила-муқаддас даргоҳ, дегани қуруқ гап бўлмай, балки унинг замирида мана шу муқаддасликни таъминлаш, унга гард юқтирмаслик, ҳар бир кишидан жиддий масъулият талаб

килишлишдек маъно ётади. Мустақиллик йилларида Президент И.А. Каримов раҳбарлигида олиб бораётган сиёсатининг устувор йўналишлари, аёлларни давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, оилани ҳар тамонлама мустаҳкамлаш, оилада ва таълим тизимида ёшларни баркамол этиб, тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг негизида ҳам айнан шу ғоялар ётибди. Чунки, миллат генафондини сақлаш оилани асраш, уни мустаҳкамлашга қаратилган шу саъй ҳаракатлардан бошланади. Турмуш қуришга чоғланган йигит ва қизнинг ўзаро розилиги ва бир бирига майли, муҳаббати асосида қурилган никоҳ мустаҳкам бўлади. Шундай никоҳ асосида дунёга келган фарзанднинг бахти ҳам барқарордир.

Фарзанд оиланинг орзу умиди, эр-хотиннинг меҳри-муҳаббати асосида қурилган иттифоқ мевасидир. Абдурауф Фитрат айтганидек: “Уйланишнинг биринчи мақсади фарзандир”. Оила биносини қурмоқ ниятида аҳду-паймон қилган ёшлар қандай фазилатларга эга бўлмоқлари, ушбу бино пойдеворини қандай яратмоқлари мақсадга мувофиқ? Гап бу бетакрор ёшликнинг нима деб аталишида эмас, балки унинг моҳиятидадир. Дарҳақиқат, ўн саккизга кирган борки, қалби чўғли, муҳаббатнинг ё-оҳлари билан жароҳатланган, ёки лаззати билан бахт сурурига тўлган бўлади. Демак ишқ- муҳаббат ҳамманинг бошидан ўтадиган савдо. Баъзи ёшлар севги шунчаки, кўнгил хушлик деб, енгил қарашса, айрим кексалар севгини икки қалбни бир-бирига боғловчи, яратувчи бахт-саодат келтирувчи қудрат, деб биладилар. Шуниси қувончлики, орамизда севгини муқаддас, чинакам ҳис туйғу деб тушунадиган ва уни қалбида бир умр ардоқлайдиган вафодор ва хулқи чиройли ёшларимиз жуда кўп. Улар тоза юрак, яхши тилак ва самимий муносабат кераклигини қалбдан тушунадилар. Шу боисдан бир- бирларини бир кўришдаёқ ошиқ бўлиб бирдан турмуш қуриш пайига тушмайдилар. Чунки улар турмуш қуриш, келажакда ота ёки она

бўлиш каби масъулиятли вазифани елкаларига юклашни англайдилар. Зеро, келажакда қуриладиган оила бахтли ёки бахтсиз бўлиши мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабаб кўплаб ёшларимиз оила қуриш масалаларига жиддий қарайдилар. Севган ёки севилганини ота-оналаридан яширмайдилар. Чунки улар фарзандалари учун энг кўп жонқуярлик қиладиган, энг тўғри маслаҳатгўй, энг яқин дўст, ота-она эканлигини яхши биладилар. Ота-она розилиги, маслаҳати билан кўрилган ёш оила завола кўрмаслиги, кундалик турмушимизда ўз исботини топмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ота-она оиланинг бошлиғи ҳисобланади. Фарзандлар ҳаёти давомида ота-оналарига тақлид қилади. Қадимда бир фарзанд яхши ёки ёмон хулқи билан жамоатчилик эътиборини тортса дарҳол ундан , отанг ким, кимнинг боласисан, деб сўраганлар. Чунки отанинг кимлигига қараб, фарзанднинг фазилатларини аниқлаш мумкин бўлган. Одатда ўғил болалар отага, қизлар эса онага тақлид қилган. Улардан намуна олган. Шунинг учун ўғиллар ҳақида гап кетганда “Шу отанинг ўғлида”, десалар, қизлар ҳақида гап кетганда эса “Онасини кўриб, қизини ол ”, дейдилар. Бизнинг миллий анъаналаримизга кўра, фарзанд вояга етиб мустақил ҳаётга қадам қўйгунча ота-онадан бесўроқ, бемаслаҳат бирон бир иш қилинмайди. Ота рози - худо рози, деган ҳикмат ҳам шундан далолат беради. Бирор бир муаммо пайдо бўлса, ўғиллар отага қизлар онага ўз сирини айтиб маслаҳат сўрайди. Аслида инсоннинг вужудга келишида она кўкси дастлабки макон бўлгани учун Ватанга қиёслаймиз. Ватанни таърифлаганда ҳам ана шу муборак сўзни кўшиб, Она Ватан, деймиз. Шунинг учун ҳам Ватан тушунчасини ҳар ким ҳар хил талқин этади. Лекин бизнинг наздимизда, Ватан сиздан бошланади, Она! Она тўғрисидаги таассуротлар, Ватан ҳақидаги таассуротларга ўхшаб кетади. Чунки бу меҳрибон зот ўз фарзандининг бахти учун ҳеч нарсани аямайди. Шунинг учун ҳам ҳаёт илмида она қиз учун, ота ўғил бола учун устоз, мураббийдир.

1.3. Оилада меҳнат, касб-ҳунар маданияти ва урф одатлар

Маълумки буюк алломаларимизнинг, болани у туғилмасдан олдин тарбиялай бошлаш, хусусидаги ўғитларига амал қилмоқ зарур. Ривоятда айтилишича бир киши янги туғилган чақалоқни донишманд киши олдига олиб келиб, “Таксир, болам тарбиясини қачондан бошлай?” - дея сўради. “Болангиз дунёга келганига неча кун бўлди?” - дебди донишманд. “Икки ой бўлди, таксир” – жавоб берди ота. “Аттанг, сиз анча кеч қолибсиз, фарзандингиз тарбиясини онасининг” қорнидалигидан бошлашингиз керак эди”, - деган экан донишманд.

Дарҳақиқат, бола тарбияси ўта нозик жараён аввало, тарбиячининг ўзи аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Демократик ва инсонпарварлик миллий ғоялари ҳам, миллий кадрятларимиз устунлиги, ҳуқуқий тафаккур, маънавий озуқа миллий истиқлол ғоялари ҳам шунингдек, меҳнатга муҳаббат уйғотиш, барча-барчаси айнан тарбияда мужассам. Ваҳоланки, шундай экан амалий тарбиячи ҳисобланмиш, дастлаб ота-она, болалар боғчалари, мураббийлари ҳам, маҳалла фуқоролари, мактаб ўқитувчилари ва қолаверса вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари-ю, инспекцияларининг масъул ходимлари ҳам тарбияда мужассам бўлган барча ақидаларини, маъно ва мазмунини тўла қонли англаб етган бўлишлари лозим. Акс ҳолда, арзимаган катта дарз кетишига сабабчи бўлиш ва ундаги ҳаётга бўлган ишончини йўқолишига олиб келиши мумкин.

Албатта шахс онги ва мафкураси, миллий ғоясининг шаклланишида ижтимоийлашувнинг бошқа йўллари, яъни мактаб, маҳалла ҳамда кенг жамоатчилик маълум даражада рол ўйнайди. Аммо, шунга қарамай шахснинг ижтимоий йўналиши асосини оилавий муносабатлар белгилайди. Поляк тадқиқотчиси Х.Казловский ҳақли суръатда кўрсатиб ўтганидек, “Ёш инсон мажбуриятлар категорияларида, фикирлашни одат қилган бўлмаса, у кўпинча ҳаётий муаммоларга дуч келганда ожиз бўлиб қолади, осонгина умидсизликка тушади”. Бола

тарбияси аввало ота-она, сўнгра тарбия пойдеворларидан саналмиш, маҳалла, мактаб ва бошқа ёшлар билан боғлиқ жамоат ташкилотларини барча мутасаддилари ўз хулқларини ҳар тамонлама гўзал қилишдан бошлашлари лозимдир. Акс ҳолда, тарбиядаги камчиликлар илдин биз учун умуман кераксиз бўлган жойдан кидиришга тўғри келиши мумкин. Ватандошимиз буюк аллома ва мутафаккир Абу Али Ибн Сино фаннинг деярли барча соҳаларида ижод қилиб довруқ таратган сиймолардандир. Қадимги юнон файласуфларидан бири бўлган Афлотуннинг “Тарбия давлат томонидан ташкил этилмоғи лозим”, деган фикрларини инкор қилиб, Абу Али Ибн Сино ўзининг “Донишнома” асарида, бола тарбияси учун аввало ота-она масъулиятини таъкидлайди. Шу билан бирга аллома ота ва онанинг илми, фозил ва дунёқарашлари кенг бўлишликларини алоҳида уқтириб, фарзанд тарбиясидан масъулиятлироқ иш йўқлигини очиб беради. Оилада фарзанд тарбиясига асосий масъул кўпинча она ҳисобланиши сир эмас. “Илк тарбия ҳамма нарсадан ҳам муҳим бўлиб, у шубҳасиз аёллар зиммасидадур”,- деган эди, Жан Жак Русо. Онанинг дунёқараши кенглиги, маънавий-маърифий бойлиги, ҳуқуқий саводхонлиги, мафкуравий тарбияланганлиги, диний илмда бохабарлиги, табиий ва ижтимоий фанларни билиш даражаси, хуллас ақлий салоҳияти қанчалик юқори бўлса, унинг фарзандининг ҳам келажак имкониятлари шунчалик юқори бўлади.

XVIII-XIX-асрларда яшаб ижод этган немис ёзувчиси Жан Пол “Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз”,-деб хитоб қилганда тўлақонли ҳақ эди. Чунки онанинг фазилатлари, маънавий етуклиги ва заковат белгилари болага наслий ўтиши инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Инглиз файласуфи Генри Бокль таъкидлаганидек, “... ғаройиб далил: даҳо инсонларнинг кўпчилиги , улар оталаридан кўра оналаридан кўпроқ нарсани ўзлаштирганлар...”. Шу боис чиндан ҳам, аёлларимизнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Оқила,

гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Маълумки, ҳар қандай болада қайси бир жиҳат бўйича қобилият берилган бўлади. Боладаги қобилиятни, яъни иқтидорини ўз вақтида англаб, уни юзага чиқариш ва тўғри йўналиш бериш ҳам аввало оналарга боғлиқ. Чунки уларгина бола билан кўпроқ мулоқотда бўладилар. Хат саводни чиқаришда ҳам даставвал она масъул, қолаверса ёш бола кўпроқ онага ишонади. Оқила аёл оила муҳитини соғломлаштириш, тарбия ишларига кўпроқ масъуллиги билан бирга ота ва фарзандлар ўртасида мулоқотчи сифатида ҳам муҳим рол ўйнайди. Фарзандларига оиланинг устунни бўлган отани қанчалар кераклигини, кўзига тик боқмаслигини, ота билан ораларида доимо масофа сақлашлари лозимлигини ва шунга ўхшаш бир қатор ҳурматга оид гапларни уқтиради. Отага эса болаларда бўлган заруриятлар ҳақида билдириб туради. Дарҳақиқат, бизнинг қадриятларимизда отага бериладиган нисбат жуда юқори. “Ота рози-худо рози” ёхуд “Отанг ётган уйнинг томига ҳам чиқма” каби пурмаъно нақллар бежизга айтилмаган. Узоқни кўра билган аёл, ўз фарзандларини олдида турмуш ўртоғининг ҳурматини доимо ибратли тарзда бир маромда сақлайди. Бу эса ўз ўрнида, анъаналаримизга кўра тарбия жараёнининг ўта муҳим жиҳатларидан бири саналади. Қадимги Рим файласуфи Эпиктет шундай дейди: “Отанинг қатикқўллиги ажойиб дори: аччиғидан кўра ширини кўп”. Албатта, отанинг оилада принципиаллиги ва етарлича қаттиққўллиги, болани интизомга ўргатади. Интизомга ўрганган ёш бола, меҳнатдан қочмайди, ўзига топширилган вазифаларни вақтида адо этади. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндошади.

Ибтидоий жамият даврида бола ўзи уддалай оладиган фаолиятга бевосита қўшилиб, у ҳаёт кечириш ва меҳнат қилишга ўрганган. Ўғил болалар эркаклар билан бажариладиган ов қилиш, қурол ясаш каби

ишларни бажарса, қизлар аёллар меҳнати билан танишар эди. Бола маълум тайёргарликдан сўнг синовлардан ўтиб, кейин амалий фаолиятда иштирок эта бошлайди. Уруғчилик жамоаси босқичида болалар меҳнати, касб-ҳунарга интилиш фаоллашиб борди. Тажрибали кишилар болаларни тарбиялаш билан бирга уларни ёзишга ҳам ўргата бошлайдилар. Аста-секин тарбия тизимига ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг бошланғич турлари кириб кела бошлайди. Ана шу аждодларимизнинг ўтмиш меросларига назар ташлайдиган бўлсак, ёшларни меҳнаткаш ва илмли қилиб тарбиялаш нақадар аҳамиятли эканини англаб етамиз. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Нақшбандия тариқатининг асосчиси, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру, даст ба кор” маъноси дил оллоҳда, қўл ишда , деган ҳикматли ўғитларини унутмаслигимиз лозим. Яна бир буюк ватанпарваримиздан саналмиш Абу Райҳон Беруний, билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Зеро, инсонда комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқликдир.

Дарҳақиқат, китоб мутоласи орқали билим олиш ҳам ақлий меҳнат турига киради. Ақлий салоҳиятга эга бўлиш машақатли меҳнатни тақозо қилади. Оиладаги адабий, илмий ижодкорлик муҳити боланинг дунёқарашини кенгайтиради, тафаккурини сақлайди. Шу боисдан ҳам барча ота-она оилада боланинг китоб титкилаши ҳам, зарурий машғулотлардан эканлигини унутмаслиги ва бу фаолиятни доимий назоратда ушлаб туриши лозим. Қадимги юнон файласуфи Демокрит ҳақли суръатда айтганидек: “Агар болалар меҳнат қилишга ундалмаганларида на саводхонликка, на мусиқага, на гимнастикага, ҳаттоки инсонда эзгуликни мустаҳкамловчи, номусга ҳам ўрганмаган бўлар эдилар. Одатда, номус ана шу машғулотларнинг етарлигидан дунёга келади ”.

Бутун жаҳонда Исломий фикҳ илмининг тенгсиз билимдони сифатида танилган ватандошимиз Бурхониддин ал- Марғилоний ҳам ёш авлодни

илмли бўлишга даъват этган. Олим илми нурга ўхшатиб, бу нур одамнинг қалбини ёритиб, уни жаҳолат ботқоғидан сақланишини таъкидлайди. Ал-Марғилоний илмга киришган талабаларга қаттиқ саъй-ҳаракат қилишни, сусткашлик ва дангасаликни ўзига ёт билиш лозимлигини уқтиради. Уларга ўз шахсини мисол қилиб кўрсатиб: “Илмда шерикларим устидан ғалаба қилишимнинг сабаби шуки, сустлик ва дангасалик ҳеч қачон менга йўл топмади”, - дейди. Барча соҳада мақсадга эришишнинг ўз йўналишлари бўлганидек, тарбия соҳасида ҳам турли тажриба ва усулларни ишга солиниши табиий зарурдир. Албатта, тарбиянинг аждодлар синовидан босқичма-босқич ўтиб келаётган ишончли йўналишларини танлаш ва унга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Қадимги ҳикматларда шундай дейилади: “...болани беш ёшгача подшоҳдек бил, бешдан ўн беш ёшгача хизматкордек муносабатда бўл, ўн беш ёшдан кейин дўстинг сифатида маслаҳат қил”. Доно аждодларимизнинг ҳаётий мажбуриятлар юзасидан қилган эзгу амаллари, берган ўғитлари доимо бизга дастурул амал бўлиши лозим. Бу эса, ўз навбатида ёшларни тарбия кўчасидан равон олиб ўтишда, биз учун чироқ вазифасини ўтайди. Ушбу нурафшон чироқдан эса ҳаётимиз давомида оқилона фойдаланиш, биз фаҳм-фаросатли инсонлар учун, ҳам фарз, ҳам қарздир.

Оилада фарзандни тежамкорликка, тадбиркорликка, ташаббускорликка ўргатиш, ҳаёт илмидан воқиф этиш, касб-ҳунар сирларини эгаллаши учун шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг ҳаёт сўқмоқларида адашиб қолмаслигига ёрдам беради. Хонадоннинг қут баракаси кўп нарсага боғлиқ. Жумладан, оилада меҳнат тақсимоли адолатли йўлга қўйилиши унинг ободлигига гаровдир. Бунинг учун эса рўзғор юмушлари оила аъзолари ўртасида оқилона тақсимланмоғи керак. Оила бошлиқлари бу юмушларни фақат ўзлари бажарсалар, болалар ишёқмас, ялқов, такаббур бўлиб ўсади, ота-онани қадрлашни унутади. Рўзғор ва хўжалик ишларида ота-она билан бир қаторда ўғил ва қизлар, келинларнинг ўз

ўрни ва вазифалари бор. Бозор қилиш, рўзғорга керакли нарсаларни харид қилиб келиш ўғил боланинг зиммасидаги ишлар. Шунингдек, ер чопиш, экин экиш, чорвога қараш, қурилиш ишлари ҳам уларга таълуқли. Хотин-қизлар учун оғирлик қиладиган барча ишларда ҳам ўғил болалар ёрдам бермоқлари керак. Қиз бола эса онага ҳовли ва хоналарни супуриб-сидириш, таом тайёрлаш, тикиш-бичиш, ука-сингилларни тарбиялаш, қиш мавсуми учун қуритилган мевалар, турли тузламалар, мураббоблар тайёрлаш, меҳмон кутиш каби рўзғор юмушларида кўмаклашгани маъқул. Бу жараёнда унинг ўзи ҳам мустақил ҳаётга тайёрлана боради. Биздан ота-она топширган ишни сўзсиз, виждонан бажарадиган боласига, аксарият юмушини юклаб кўядилар. Эринчоқ, буюрилган ишни қўл учида “мендан кетгунча, эгасига етгунча”қабилида бажарувчи фарзандлар эса четда қоладикки, бу ҳам адолатдан эмас. Ёки ота-она, шу ўғлим ёки қизимга буюрганимдан кўра ўзим қилиб, қўя қолганим маъқул, деб фарзанд бажариши зарур бўлган юмушларни ҳам ўз зиммаларига оладилар. Натижада, бундай фарзандлар ландовур, қийинчиликларга бардошсиз, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган бўлиб ўсадилар. Бунинг оқибатида эса ҳаётда турли кўнгилсизликлар келиб чиқади.

Оилада келин келгач, меҳнат тақсимоотида ҳам ўзгариш юз беради. Келинни ҳам ўз фарзандидек кўрадиган хонадон бошлиқлари рўзғор юмушларида унга енгиллик яратадилар. Лекин, баъзи қайнота-қайноналар келинга кул-хизматкорга қилинадиган муомалани қиладилар. Улар ёш келинчакка уй рўзғор юритиш тартиб-қоидаларини аста-секин ўргатиш ўрнига, ҳамма ишни у бажаришини, бажарганда ҳам, айнан ўзларининг кўнгилларидагидек бажарилишини талаб қиладилар. Аксарият қайнона-келин ўртасидаги келишмовчилик ва низолар ҳам келин зиммасига оғир вазифалар юкланиши натижасида келиб чиқади. Ахир у ҳам рўзғор ишларида меъёрида иштирок этиб, ўз саломатлигини сақлаш, гўзал ва озода кийиниб турмуш ўртоғини хурсандчилик билан

кутиб олиши керак. Бунинг учун эса маълум даражада бўш вақт ва кайфият талаб қилинади.

Демак, шахснинг келажаги оиладаги муҳитга унда тарбиянинг қандай амалга оширилишига, тарбиячи ҳисобланмиш ота-онанинг ўз бурчи ва вазифаларига масъулият билан ёндашуви аввало оила мустаҳкамлигига, охир-оқибатда эса жамият фаровонлигига эришишнинг муҳим омилидир. XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган, Бухорода таълим олиб, ўз даврининг етук маърифатпарвари бўлиб етишган, татар олими Ризоуддин ибн Фахруддин насихатларини эслаш фойдадан холи эмас: “Онасининг буйруқларига жазо ёки танбеҳдан кўркиб эмас, балки уни ҳурмат-эҳтиром билан, фарзандлик туйғуси билан севгани сабабдан итоат этган бола, адолатли тарбияланган бўлади. Адолат ўлчови ушбудир: ота-онага итоати, динга ҳурматни, туғишган қариндош-уруғлар, яқин-йироқ ҳамда эл-у юрт, халқини севиш, ҳар бир катта-ю кичик билан яхши муомалали бўлишни, болаларнинг қонларига сут билан бирга сингдирмоғи лозим... . Таълим болаларга “ундай бўлинг, бундай бўлинг”, деб буюриш ва ёмонликдан тийиш билан чегаралаб қўйишгина эмас, балки улуғларнинг барча ҳаракатлари орқали ёшларга дарс беришдан иборатдир. Феъл-атвор билан таъсир кўрсатиш тил билан бўлажак дарсларга нисбатан таъсирлироқ бўлади. Гарчи тил билан бир хотун боласига гўзал нарсалар ўргатса-да, феъли ёмон бўлса, у ёмон хулқ ўргатувчи саналур. Ота-онанинг хулқлари болалар учун мисол табиат ҳукмидадир. Болалар кўз ўнгида бузуқ ва ножўя ишларни қилиш, уларга ҳам ўшандай ишларни қилишга ўргатмоқнинг ўзидир... . Агарда бир ота болалари кўз ўнгида оналарига қўл кўтарса ёки оналари оталарига қараб бақирса, болалари қошида уларнинг ҳурматлари, кадрлари қолмас”¹.

1.Ризоуддин Ибн Фахруддин. Оила.-Тошкент: “Меҳнат”, 1991, 12-15 бетлар.

Демак, “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган ҳикматдан келиб чиқилса, оилавий муҳитни соғломлаштириш, бу масалага барчанинг жиддий эътибор билан қарашига эришиш жамиятимизнинг маънавий-руҳий соғломлигини таъминлашнинг муҳим омили экан. Ўзбек халқи табиатан болажон халқ. Болаларга нисбатан шавфқатлилик, бағрикенглик, меҳридарёлик, ўта фидоийлик халқимизга хос хусусиятлардандир. Шу боисдан ҳам ота-оналаримиз фарзандларининг миллий ахлоқ-одоб қоидаларини ўзлаштириши, пухта билим олиши, ҳунар эгаллаши ва уларга амал қилиши йўлида бор кучи ва имкониятларини сарфлайдилар. Чунки, оилада болани тўғри тарбиялаш, шу оиланинг келажак тақдири, ишончли қўлларга ўтиши, маҳалла-қўй, қариндош-уруғлар орасида мазкур оиланинг обрў-эътибори баланд бўлиши гаровидир. Бола тарбиясига бефарқлик оила тақдирида беписанд қўл силташ билан баробар эканини аксарият юртдошларимиз жуда чуқур англайдилар. Ота-она мунособатидаги сабрлилик, оилавий юмушларни ўйлаб, ақл-заковат билан биргаликда маслаҳатли ҳал этиши, жуда кўп нохушликларни олдини олади. Уларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, фарзандларига бир хилда муомалада бўлиши, ҳар иккала томоннинг қариндош-уруғларига, қўни-қўшниларига, бир хилда меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан қараши, бир сўзлиги, шунингдек, ичиш, чекиш, ёлғончилик, маиший бузуқлик, димоғдорлик, манманлик ва бошқа шу каби иллатлардан холи бўлиши оилада муомала маданияти юксак бўлишини таъминловчи омиллардир. Оила фаровонлигини таъмин этиш билан унда камолга етаётган фарзандларнинг келгусида моддий фаравон турмушига асос солиш мумкин. Бу эса ўз навбатида давлат ва жамият бойлиги учун заминдир. Абдурауф Фитрат айтганидек: “Маълумки, яшаш учун пул ва пул топиш учун саъй ва амал лозим. Аёллар эркакларга ўхшаб ҳаёт мушкулотларига тоб бермай, турмуш таҳлилига қодир эмаслар. Тажрибасизлик ва заиф мижозлари устига аёл зоти баъзи йиллари тўққиз ой “ҳомиладорлик” юкини кўтариб юради.

Бола туғилишидан бошлаб тарбияси билан машғул бўлади. Яна бориб ишлаб пул топиш эса уларга мушкулдир. Ишлаб, саъй-ҳаракат қилиб пул топиш бу эркаklar бурчидир. Эркаklar бор кучларини ишга солиб, пул топиб бир қисмини аҳли-аёлларига эҳтиёжлари учун сарф қилишлари лозим. Пули ва бойлиги бор кишилар бола-чаққалари ва аҳли-аёлларининг нафақалари хусусида зикналик қилсалар ё нафақаларини бериб миннат қилсалар ёки оила аъзоларининг ўлмаслиги учун бош-кўздан садақа бериб, ўзлари бошқа жойларда айш-ишрат билан машғул бўлсалар, зулм ва инсофсизлик қилишларига шубҳа йўқдир. Зулм ва инсофсизлик эса исломда куфр ва ҳаромдир. Бас, эркаklarнинг бу ҳаракатлари ҳам ҳаромдир”¹. Шундай қилиб, оила ишларида фақат ва фақат ҳалол бўлмоқлик, фарзандларимизни пулни ҳалол, пок йўл билан қилинган меҳнат эвазига топилмоғи зарур эканлигини уқтириш ва барча даврларда миллатимизнинг сўнмас қадиряти бўлиб келган.

Фарзанд тарбияси кенг қамровли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос талаб-эҳтиёжлари мавжуд. Жумладан, билингки ука ёки синглингизни сўкишга, қўпол гапиришга ўргатиш, уни ҳаддан ташқари эркалаш номақбул услуб ҳисобланади. Халқ педагогикасида таъкидланганидек: “Бола азиз, одоби ундан азиз”, “Бола тарбияси бешикдан”, “Боланинг эркаси- битнинг серкаси”, “Эркалатса онаси, тантиқ бўлар боласи”, “Қизни эркалатсанг жонинга тегар, ўғилни эркалатсанг бурнингга тепар”. Эрка ва тантиқ қилиб ўстирган болада худбинлик, манманлик, кибру ҳаво, ўжарлик каби қусурлар пайдо бўлади. Бола улғайган сайин бу хусусиятлар чуқур томир отиб, ҳаётда ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Боланинг эркатойлиги, тантиқлиги қанча ошса, у ота-онани шунча ташвиш ва таҳликага солади.

¹. Фитрат А. Оила.- Тошкент: «Маънавият», 1998, 37-бет .

Афсуски, баъзи оилаларда болаларнинг бирини ниҳоятда авайлашади, барча талаб ва истакларини муҳайё этишади-ю, иккинчисини бўлар-бўлмасга турткилашаверади. Бунинг оқибатида ота-онага нисбатан иккала болада икки хил муносабат пайдо бўлади. Фақат ота-онага эмас, фарзандларининг бир-бирига бўлган муносабатига ҳам дарз кетиб, ўртада ўзаро нафрат туғилиши ҳам ҳеч гап эмас. Ота-онага қарши гапириш, ҳурмат-иззатини жойига қўймаслик, айтганларини бажармаслик, ҳаттоки, уларни ҳақорат қилиш каби ноахлоқий ҳолатларнинг пайдо бўлишига ҳам уларга нисбатан муносабатнинг ҳар хиллиги сабаб бўлади. Шу туфайли ҳам оилада ота-она барча фарзандларига нисбатан бир хилда меҳр-муҳаббат, талаб қўймоғи ниҳоятда муҳим. Бу борада Ризоуддин ибн Фахруддин шундай дейди: “Адолату инсоф ўргатмак учун ҳожатларни ўтганлик ва керакларни таҳсил этганингизда ҳаммасини баробар кўрингиз, ҳадия берганингизда барчасига бир хил берингиз, бирига яшириб бир нарса бериб-да: “Эҳтиёт бўл, ака-укаларингга билдирма”,- демоқ каби нарсалардан сақланингиз, чунки бундай этмак уларга жабр, зулм, алдамоқ, хиёнат каби нарсаларни ўргатади. Бахиллик ва ҳиббиннафс (ўз-ўзини севмак) каби бузуқлик уруғларини кўнгилларига сочадир”¹.

Оилада ҳар бир боланинг ҳатти-ҳаракатига нисбатан рағбатлантириш ёки қаттиққўллик билан муносабатда бўлиш, танбеҳ бериш, жозолаш тарбияда синалган усулдир. Она билан қилган ҳатти-ҳаракати учун жазолаётганда, насиҳат қилаётганда ота унинг тарафини олмаслиги, ота тарбиявий иш олиб бораётганда эса, она бошқача гапирмаслиги лозим. Бу болани ҳеч қандай танбеҳ, жазодан қўрқмайдиган, ёлғон сўзловчи, ота-онанинг ҳар иккаласини ҳам ҳурмат қилмайдиган қилиб қўяди. Бола тарбиясига оиланинг ҳар бир аъзоси, қўни-қўшни, маҳалла, мактаб, жамоатчилик бирдек масъулдир.

¹Ризоуддин Ибн Фахруддин. Насиҳат.- Тошкент: “Чўлпон”, 1993, 65-бет.

Хулоса қилиб айтганда, бола тарбиясида барчанинг талаби ва муносабати умумхлоқ меъёрларига мос бўлмоғи зарур. Тарбиячилар ўртасидаги тарбия усуллариининг, талаб ва фикрларнинг хилма-хиллиги болани тарбиясизликка олиб келади. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон кадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин”.

Шоир Усмон Носирнинг “Фикр-бола, бола- ўсувчан”, -деган гўзал сатрига аҳамият берсак. Ҳар қандай фикр, ўсиб борар экан, унинг аслида илдизи қандайлиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай бола худди фикирдай ўсар экан, унинг ҳам бугун қандайлиги, қандай тарбия олаётгани, муштдайлигидан ўзини қандай тутаяётгани, изсиз кетмайди асло. Афсуски, орамизда икки оғз гапни чиройли ифода қила олмайдиган, топиб эмас, қопиб гапирадиган, қолаверса шу ҳолига синфдошларидан ўзини катта тутадиган, уларни менсимайдиган қиз-йигитлар ҳам учраб туради. Улар устозлари томонидан айтилаяётган ўғитларга ҳам чўпчакдек муносабатда бўладилар, ўзига бир назар ташлаш, ўзини ўнглашни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ҳолбуки, эрта ўтиб индин, улар ҳам улғаядилар. Бирор жамоага, корхонага борадилар. Касбдош, маҳалладош ортирадилар модомики, биз инсонлар жамиятининг аъзоси эканмиз, унга муносиб бўлишимиз, унинг ёзилган ва ёзилмаган қоидаларига амал қилмоғимиз талаб этилади. Токи бизнинг бир оғиз ноўрин гапимиз, ёмон муомаламиз, қўпол ҳатти-харакатимиз кимнингдир кўнгил уйини вайрон қилмасин, ёруғ қалбини қоронғулаштирмасин. Аксинча, Ҳазрат Навоий айтганидек, бир кўнгли бузуқнинг хотирини жом айласак, унда ҳаётга, эртанги кунга умид пайдо қилсак ўз кучи ва қобилиятига ишонч уйғотсак, бу иш агар Каъба вайрон бўлса, уни тузатмоқлик даражасидаги савобга дахил бўлади.

II. БОБ. МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ МАСКАНИ

II.1. Маҳалла қадимдан маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли

Маҳалла – Ўзбекистонда маъмурий ҳудудий бирлик, ўзини ўзи бошқаришнинг, халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган шаклидир. Унинг тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, жез даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепада саккизта оила яшаган. Уларни фақат уруғ жамоасигина эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатлари ҳам бирлаштириб турган. Кейинчалик уларнинг сафига патриархал тизим асосида юздан ортиқ оилалар келиб қўшилган. Бу катта оилалар жамоасини улар орасидан сайланган, оқсоқол бошқарган. Оқсоқоллар ўз навбатида олий оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Улар одатда, жамоа-қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни олий кенгаш орқали ҳал қилишган. Милоддан аввалги 3-асрдан, 5-асрнинг бошларигача Фарғона (Паркана) давлатида ҳам оқсоқоллар кенгаши муҳим вазифаларни ҳал этган. Кенгаш асосан сулҳ тузиш, вазирлар таркиби ва солиқларни тайинлаш, уруш эълон қилиш, жамоа ишларига сафарбар этиш каби масалалар билан шуғулланган.

“Маҳалла” атамаси арабча бўлиб, “ўрин-жой” деган маънони англатган. У турли минтақаларда маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат, элод номларда атаб келинган. Адабиётларда маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида, Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча маҳаллалар бўлганини қайд этиб ўтган. Алишер Навоий ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” асарида маҳаллани “маҳалла шаҳар ичидаги шаҳарчадир”, – деб таърифлаб, Ҳирот шаҳар юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳаллалардан ташкил топганлигини айтиб ўтади. Маҳаллалар айниқса, Амир Темур даврида раванқ топган. Улар фуқароларнинг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб

номланган. Масалан, заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, пичоқчилик, қошиқчилик, темирчи, эгарчи, тақачи ва бошқалар. Маҳалла қадимдан маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши тарзида фаолият кўрсатган. Уни бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўзининг ёзилмаган ички тартиб-қоидаларига эга бўлиб, у ҳамма учун бирдек қонуний ҳисобланган. У кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи, кадриятлар, анъаналар жамоаси бирлигидир.

Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб, маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб турган. XX асрнинг бошларидаёқ маҳаллалар даҳа бошлиқлари-мингбошилар сайлайдиган юзбоши (оқсоқоллар) томонидан бошқарилган. Юзбоши ва унинг ёрдамчилари маҳалладаги барча жамоат ишлари ва маросимларни бошқарганлар. Шунингдек, фуқароларнинг шаҳар йиғинлари ва шаҳар муассасаларида маҳалла манфаатларини ҳимоя қилганлар. Маҳалланинг асосий вазифалари: маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудини тартибли сақлаш ва ободонлаштириш, ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш, жамият ҳаётида тартиб сақланишини таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, урф-одатларга риоя қилиш ва уларни бузган, жамоат мажбуриятларидан бўйин товлаганларни жазолашдан иборат бўлган. Маҳалла раҳбарияти ариқ-ҳовузларни тозалаш, кўчалар, йўллар қуриш ва маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бошқа жамоат ишларини уюштирганлар. Бу ишларнинг барчаси биргаликда ҳашар йўли билан амалга оширилган.

Маҳалла жамиятимизнинг тузилмаси сифатида тарихан бир қанча ривожланиш босқичларини босиб ўтди. У XX асрнинг 1-чорагида ўзининг анъанавий шаклини олди. Собиқ совет ҳукумати маҳаллага ўз умрини яшаб бўлган, ўтмиш сарқити сифатида қараб, анъанавий миллий бошқарувларни бекор қилиш йўли билан бу ерда саноатлашган “илғор” жамиятни қарор топтириш сиёсатини жорий этишга киришди. Маҳаллалар вазифасини чеклаш, ўзига бўйсиндиришга интилди. Бу ҳол

маҳалла фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Бироқ, маҳалла ўзининг яшовчанлигини намоён этиб, анъанавий ҳаёт ва алоқа тарзига қарши ҳар қандай ҳужумларга ва уларни йўқотиш йўлидаги урунишларга дош бериб, илгариги ҳаёт тарзи, урф-одат ва расм-русмларни сақлаб қолди. 20-30 йилларда маҳалла эски турмушга қарши “ҳужум” да, паранжи ташлаш ва хотин қизларни озодликка чиқариш ҳаракатида иштирок этди. Шу билан бирга у саводсизликни тугатиш, оммани маърифатли қилиш, жойларни ободонлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. 1932 йил 17-апрелда Ўзбекистонда биринчи маротаба, шаҳарлардаги маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом чиқди. 1935-1936 йилларда маҳаллаларда оксоқол бошчилигида маҳалла қўмиталари ташкил этилиб, аҳоли ўртасида олиб бориладиган барча ишларни раис бошқарган. 2-жаҳон уруши даврида маҳалла байналминалчилик табиатини намоён этди. Уруш даврида маҳалла қўмиталари армияга чақирувни ташкил этиш, аҳолидан посилка жўнатиш, кўчириб келтирилган аҳолини, болаларни жойлаштиришда фаол иштирок этди. 1961 йил августда Ўзбекистон олий кенгаши томонидан чиқарилган “Республика, шаҳар, қишлоқ, посёлкаларидаги ва овулларидаги маҳалла қўмиталари тўғрисида”ги низомда ҳам маҳаллага юридик шахс мақоми берилмаган эди. Маҳала қўмиталари бирон-бир молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар олди-сотди, ижарага бериш ишларини бажаришда қатнашишлари мумкин эмас. Унинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган эди.

Ўзбекистон мустақилликга эришгач, маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йил сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга биноан, маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият таркибига кирди. Маҳаллалар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги

хисоб-китоб рақамига, жамғармасига эгадир. Бу қонунга асосан, ҳар бир маҳалла ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин. Ҳозирги пайтда маҳаллаларнинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча имкониятлар яратилди. Улар, тўй-маърака маросимларни ўтказиш, хашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш, ишлари билан шуғулланади. Кўпчилик маҳаллаларнинг ўз масжиди бор, турли маъракалар учун керакли ашиёлар (дошқозон, идиш-товоқ, чойнак-пиёла, тобут ва бошқалар) мавжуд. У ҳокимиятнинг расман қуйи юридик органига айланиб, вазифалари анча кенгайиб демократик давлатнинг энг муҳим бўғинларидан биридир. Маҳалла ва унинг аҳолиси ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий юксалишига ҳар томонлама ёрдам бериш, миллий анъана ва урф-одатларни бойитиш, маҳалла қўмиталарининг ишларини мувофиқлаштириш, кам таъминланган оилалар, кексалар, фохрийлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим-есирлар, байналминалчилар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида 1993 йил 17-августда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилиб, “Маҳалла” газетаси чиқа бошлади.

Президентимиз И.А. Каримов маҳалланинг ҳозирги замон жамиятидаги моҳияти ва аҳамиятига қуйидагича баҳо беради: “Ўз –ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули-маҳаллалар тизими сўнги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Унинг нуфузини кўтариш билингки, нафақат, иқтисодий нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз

маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим”. Ҳар бир маҳалла аниқ ташкилий тузилмага эга. Унга маҳалланинг умумий йиғилишида сайланадиган маҳалла кенгаши раҳбарлик қилади. Кенгаш ўз таркибидан расман маҳалла йиғини раиси (оқсоқол)ни, ўринбосари ва котибни сайлайди. Бундан ташқари маҳалла кенгашига кекса тажрибали кишилардан маҳалла оқсоқоли, маслахатчилари ҳам сайланади. Кенгаш ҳузурида тўй маросимларини ўтказиш, хотин-қизлар, ёшлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан иш олиб борувчи, жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш, турар жой фондларини сақлаш ва бошқалар бўйича комиссиялар тузилади. Маҳалла раҳбарияти ҳар 2,5 йилга сайланади ва ҳар йили аҳоли олдида ҳисобот беради. Жорий масалаларни ҳал этиш учун маҳалла кенгаши ойида бир марта йиғилади. Эндиликда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари юридик шахс мақомига эга бўлиб, белгиланган намунадаги муҳрга эга ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олинади. 1998 йил 23-апрелда Президентимизнинг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳақида” ги фармонида кўра, маҳалла раҳбариятининг фаоллигини ошириш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг иш ҳақи оширилди, пенсионер раисларга пенсияни тўлиқ олишларига ижозат берилди. Натижада, маҳалла раҳбариятининг манфаатдорлиги ва нуфузи ортди.

Фуқаролик жамиятини қуриш, албатта, кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. 1999 йил 14-апрелда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳақида”ги (янги таҳрирда) қонуни қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида туб бурулиш ясади. Қонуннинг 7-моддасига асосан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайди, деб тўғридан-тўғри белгилаб қўйилди. Бу қонунда маҳалла бажариши зарур бўлган вазифалар ҳам белгилаб берилган. Маҳаллага юқорида санаб ўтилган

вазифалардан ташқари, янги вазифалар юклатилган. У ўз ҳудудида савдо ва маиший хизматни, санитария ва экологик ҳолатни назорат қилишга кўмаклашади, ёнғин хавфсизлиги, турар жой фондини сақлаш, аҳолидан солиқ ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тушишини таъминлашга ёрдам беради. Ана шу пул маблағлари тушумининг муайян миқдори ўз-ўзини бошқариш органлари жамғармасига ўтказилади. Бу маблағ кам таъминланган оилаларнинг уй-жой, коммунал хизматлари тўловларига, шунингдек, маҳаллани ободонлаштиришга сарфланади.

Эндиликда, ҳар бир маҳалла ўз маданий марказини, гузарини қуриб, шу ерда чойхона, новвойхона, дўкон, маиший хизмат шохобчалари, турли спорт ўйинлари маскани барпо этмоқда. Маҳалла ташаббускор жамоат ташкилотидир. Унда ҳўжалик-маданий қурилиш тадбирларини амалга ошириш, унинг ҳудудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва ҳудуддаги шаҳар ҳўжалигини сақлаш, озодаликни таъмин этиш, тартиб-қондани мустаҳкамлаш учун шароит мавжуд. Уларнинг аҳамияти ҳозирда кун сайин ўсиб, мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2003 йил “Обод маҳалла йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 7-февралда қабул қилинган “Обод маҳалла йили” дастурига биноан, маҳалла нуфузини кўтаришга қаратилган муҳим вазифалар амалга оширилди. Республикамизда жами 9627 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатади, шулардан 6855 таси юридик шахс мақомига эгадир.

II.2. Маҳалла маънавий-ахлоқий кадриятлар, анъаналар сақланиб, ривожлантириладиган маскан

Оиламиз биз учун кўз очиб кўрган муқаддас даргоҳ бўлса, маҳалламиз муқаддас Ватанимиз ичидаги мўъжаз Ватандир. Зотан, маҳалла оилалардан ташкил топади. Фарзандлар оила бағрида камол топгани каби оила ҳам маҳалла кўз олдида барпо бўлади, унинг ичида равнақ топади. Маҳалла оиланинг энг яқин маслаҳатчиси, ишончли таянчидир. Оилаларда хурсандчилик кунлари ҳам, бошқа иш тушган онларда ҳам, бир-бирига ҳамдард ва ҳамнафас бўлиш маҳалладошларнинг қадимдан келаётган ўлмас хусусиятидир. Зеро, ўзбек маҳалласи шундай бир даргоҳки, унда инсонлар бир-бири билан опа-сингил, ака-ука, куда-анда, дўст-биродар бўлиб кетади. Одамлар ўзаро қувонч ва ғамларига шерик, фарзанд тарбиясида масъул, ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам, маҳалла аҳлига баробар бўлиб тушади. Шунинг учун ҳам, халқимиз “Отанг-маҳалла, онанг-маҳалла”, деган нақлни билиб айтган. Бу ноёб жамоат қурилмасининг аҳамиятини теран англаб, уни ҳар тамонлама ривожлантиришга бош-қош бўлаётган Юртбошимизнинг маҳалла ҳақидаги фикрлари, аниқса диққатга сазовордир. “Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб, хизмат қилиши лозим”.

Дарҳақиқат, маҳалла ўзбекларнинг тарихан шаклланган, ягона мақсад билан яшаб, фаолият кўрсатувчи, халқнинг турмуш тарзи, руҳияти,

ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ижтимоий институтдир. У миллий анъана, урф-одатларимиз, ахлоқий маънавий кадриятларимизни авлоддан-авлодга соғ-омон етказувчи, муқаддас маскан бўлиб келмоқда. Инсонларнинг миллати, дини, ирки, тили, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи катта оила ҳисобланган ўзбек маҳалласи барчаннинг бир-бирига ўзаро ҳурмати, муҳаббати, мустаҳкам дўстлиги асосида яшайди, фаолият кўрсатади. Маҳалла маънавий-ахлоқий кадриятлар, анъаналар маскани. Чунки, қадимдан байрамлар, ҳайит кунлари, тўй-тантаналарда қўни-қўшнилар, беморлар, ёлғиз кексаларни совға-саломлар билан йўқлаш анъанага айланган. Ҳашар йўли билан қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга уй-жой бинолари бунёд этиш, етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш ва улардан қўни-қўшниларга улашиш, кўчалар, ҳовлилар, маҳалла ҳудудини, қабристонлар ва атроф-ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва озода сақлаш, спорт майдончалари барпо қилиш, йўллар, кўприклар қуриш ва уларни таъмирлаш, маданий ёдгорликларни авайлаб-асраш маҳаллада яшаётган ҳар бир фуқароннинг бурчи ҳисобланади. Маҳалла ҳудудида жамоат тартибини таъминлаш, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ёшларни ҳарбий хизматни ўташга жисмоний ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги мутасадди кенгашлар раҳбарлигида бажариладиган вазифа ҳисобланади.

Маҳалла шарқона анъаналар, урф-одатлар ва удумларни жамоа асосида амалга оширувчи, авлоддан-авлодга етказувчи маданият ўчоғидир. Маҳалла фаоллари анъанавий, оилавий, тўйлар, байрамлар (Мустақиллик, Наврўз, Меҳржон айёмлари, Хотира ва Қадрлаш куни, Конституциякуни, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини, таваллуд саналарни нишонлаш ва бошқалар), мотам маросимларини ўтказиш

билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширишда бош-қош бўлади. Уларни исрофгарчиликсиз, ортиқча харажатларсиз, ихчам ўтказиш, маҳалла оқсоқоли ва махсус мутасадди комиссияларга боғлиқ. Маҳаллада ўтаётган ҳар бир тантана ёки маросим учун маҳалла аҳлининг каттаю кичиги бирдай масъул. Бундай тадбирларда ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир фуқарога бир хил ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Чунки, маҳалланинг барча аъзоси ягона, мустаҳкам битта оиладир. Худудида ўсаётган ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъул. Чунки, маҳаллада ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати барчанинг диққат марказида бўлади. Маҳалладошларнинг ҳар бир, ёш тақдири жавобгарлиги, улар учун куйиниши, юриш туришини назорат қилиши баркамол шахсни тарбиялаб етиштириш омилидир. Шунинг учун ҳам, хулқ-одоби чиройли, ҳар тамонлама намунали фарзанд, маҳалланинг обрўси, ноқобил, ахлоқан номақбул болалар эса маҳалла обрўси учун доғ ҳисобланади.

Маҳалладан юртга, дунёга таниқли инсонлар етишиб чиқса, бутун маҳалла аҳли ғурурланади, бошини баланд кўтаради ва аксинча, фалон маҳаллада мана бундай хунук иш бўлибди, деган гап барчанинг бошини ҳам қилади. Шунинг учун ҳам маҳалла тартиб-қодаларига, унинг бутун аҳли амал қилиши шарт саналади. Кимда-ким буларга риоя этмаса, уларни ҳурмат қилмаса, у маҳаллада ўтадиган тадбирларга, тўй-маракаларга таклиф этилмайди. Агар кўни-қўшни, маҳалла аҳли анъаналарини оёқости қилса ёки беписандлик билан муносабатда бўлса, амалдаги меъёрларга ҳилоф иш тутса, у маҳалладан чиқариб юборилади. Бугунги маҳаллаларимиз эркин фикрлилик асосида ривожланмоқда. Ҳар бир фуқаро у ерда ўтказиладиган тадбирлар, ташкилий-тарбиявий ишлар юзасидан ўз нуқтаи назари, қарашлари, таклиф ва тавсияларини очиқ билдириш ҳуқуқига эга. Чунки, эркин фикр фақат маҳалла муҳитининг эмас, балки бутун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик

ислохотларнинг маънавий пойдеворини ташкил этиши лозим. Маҳалла аҳлининг маънавий-ахлоқий тарбия юсинда бир-бирларига маслаҳат беришлари ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир. Шунингдек, тўй маросимларида ёшларни эл хизматиға жалб этиш ниҳоятда муҳим бўлиб, бу ишларни бажариш давомида уларға нимаға эътибор бериш, қандай муомала-муносабатда бўлиш кераклиги ўргатилади. Бундай маҳаллада тарбияланаётган ёшлар биринчидан, меҳнатсеварликни, меҳмон кутиш, кузатиш одобини, иккинчидан, хушмуомалалик одобини, учинчидан, жамоаға ҳурмат одобини эгаллайдилар.

Маҳалла оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлайдиган жойдир. Табиийки, оилада баъзи арзимаган нарса туфайли жанжал чиқариш ва бу ҳақда эр ёки хотин маҳалла қўмитасиға мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолатда маҳалла раҳбарлари вазмин, чуқур мушоҳадали бўлиб, иложи борица яраштириш йўлидан боришади. Бу билан уйдаги жанжал ҳамма ёққа овоза бўлиши, кейинги ҳижолатсизликларнинг олди олинади, энг муҳими эса кўплаб фарзандларға муқаддас ошён бўлган оила асраб қолинади. Кўпгина маҳаллаларнинг ёшлари кечқурунлари тинч, осуда, ўзаро тавозе билан фойдали суҳбат кураётганликларини кўриб, қалбинг қувончға тўлади. Бундай гўзаллик ва нафосат маҳалла фаоллари маънавий-ахлоқий тарбиясининг натижаси у маҳалланинг кўрки ва зийнатидир. Аксинча, баъзи маҳаллаларда ёшларнинг тўпланишиб, чекиб турганликларини, бу етмагандек оғизларидан хунук сўзлар чиқараётганини кўриб, эшитиб, ўксинасан киши. Баъзи маҳалла аъзолари уларни кўрмаганға, эшитмаганға олиб, ўтиб кетаверишади. Ҳолбуки, бугун безориликка ўхшаган бу ҳолат, эрта бўлмаса индин аянчли оқибатларға олиб келиши ҳеч гап эмас. Бу гапға шунинг учун ҳам алоҳида урғу берилганки маҳалланинг бир аъзоси сифатида ўз юриш-туришингиз, ахлоқ-одобингизға жиддий разм солмоғингиз талаб этилади. Президентимиз фарзанд тарбияси жуда мураккаб жараён эканлигини таъкидлаб, шундай дейди: “Биз одатда, яратгандан солиҳ

фарзандлар ато этишини, уларнинг роҳатини кўришни сўраб, дуога қўл очамиз. Лекин, фарзандларимиз солиҳ ва баркамол бўлиши учун, ёлғиз тилакнинг ўзигина кифоя эмас. Бунинг учун ҳам қаттиқ ишлаш, тинимсиз меҳнат қилиш керак экан. Айниқса, бугунги мураккаб замонда тобора аён бўлиб бормоқда. Ҳар куни, ҳар дақиқада давом этадиган узлуксиз миллий педагогик меҳнат, яъни ҳақиқий тарбиягина бизни комил фарзандларга муяссар қилар экан. Ҳар ишни билиб қилсак, ундан кутилган натижага эришимиз мумкин бўлади”.

Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга турмуш тарзи, кадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлиги бўлган. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб, маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб борган. Эндиликда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ва жамият бошқарувидаги, ислохотлар ривожига ва ёшлар тарбиясида ҳамда барча жабҳаларда фаол иштирок этмоқда. Бу борада Юртбошимизнинг: “Маълумки, аввалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий кадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Биз “Маҳалла-ҳам ота, она”, деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз”,-деб таъкидлагани маҳалланинг кенг маънода тарбия мактаби эканини алоҳида эътироф этади. Чунки, маҳалла ҳозирги даврда асосий эътиборни таълим-тарбия ишларига, ёш авлод баркамоллигига қаратган. Бу борада унинг мактаб билан мустаҳкам алоқаси ўрнатилмоқда. Ортирилган тажриба мактаб-маҳалла-мактаб алоқасининг нақадар мумкинлигини намоён этмоқда.

Мустақиллик ҳалқимизнинг асрий урф-одатлари, анъаналарига эркинлик, ангича мазмун берибгина қолмай, жуда кўпларини тиклади. Уларни демократик ҳуқуқий жамият қурилишининг муҳим шартларидан бири сифатида қабул қилди. Янги анъаналар билан бойитилди. Бугунги дунёда миллий-маънавий қадриятларимиз билан умуман бой маънавиятимиз билан фахрланиш, ғурурланишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Балки уни асраб авайлаш, замонга мос тарзда ривожлантириш, кенг омма орасида тарғибу-ташвиқ қилиш, турфа ёт қарашлардан ҳимоя қилиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ҳозирги даврда миллий мафкурани яратиш, баркамол авлод тарбияси, диний бағрикенглик жамият аҳлигини таъминлашда муҳим омил бўлган урф-одатлар ва маросимларимиздаги демократик тамойиллар маҳаллалар таркиб топган қадим даврлардан у ёки бу даражада мавжуд бўлиб келган. Бу ерда сиз ана шу демократик тамойилларнинг тарихи, мустақиллик йилларида касб этган ўзига хосликлари, аниқроғи ривожланиши, асосий йўналишлари ҳақида боради. “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно албатта бахтли бўлиб яшаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз бу борада маънавий тарбия масаласи ҳеч шубҳасиз, бекиёс ахамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўз бўларчилиқка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғирилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тарққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”¹, -деган эди Юртбошимиз И. А. Каримов.

Эл юртимиз ўзининг кўп асирлик тарихи давомида бундай машъум хатарларни неча бор кўрган, уларнинг жабрини тортган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятмиз бир пайтлар

¹Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент: “Маънавият”, 2008, 4-бет.

қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиш лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унитган миллатнинг келажаги йўқ, дейилган. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил-бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия онг маҳсули лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзлаштирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб қувватлашишини талаб қиладиган умуммиллий масаладир. Шунинг учун унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади. Бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур.

Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар қилиб, вояга етказиш, таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим-тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-хунар ва илм маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданок икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган, минг-минглаб ўқувчилар катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намаён этаётган, ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз хосили бераётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Энг муҳими шундаки “Портлаш эффекти”нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан, биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам киришиб бориши билан янада яққолроқ сезилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборини кучайтириш биз учун кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланди. Шу мақсадда юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантиқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилинди. Унга мувофиқ, юртимизда мавжуд бўлган ўн минга яқин умум таълим мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнинг мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинди. Мухтасар қилиб айтганда, охириги йилларда таълим- тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бугун халқимизнинг маънавий юксалишида мустаҳкам замин яратди, десак ҳеч қачон хато бўлмайди.

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму-қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни

бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади. Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз. Миллий ғоя масаласи, Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобининг марказий мавзулардан ҳисобланади. Асарда китобхон эътибори такрор ва такрор долзарб масала бўлган ёш авлод тарбиясига, ўғил ва қизларимизнинг соф ва беғубор қалбини турли маънавий таҳдидлардан қандай асраш масаласига қаратилади. Шу сабабли бўлса керак, асарда энг кўп ишлатилган тушунчаларни, ёшлар, тарбия, маънавият, миллий ғоя каби сўз ва иборалар ташкил қилади. Бу асар лоқайдликни енгишга даъват этади. “Бу борада бир қанча эътиборга лойиқ ишларни амалга оширдик. Айни пайтда ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон талаблари, жамиятимизни янгилаш, мамлақатиимзни модернизация қилиш билан боғлиқ мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда”,- дейилади асарда.

Истиқлолимизнинг қўлга киритган илк кунларидан бошлаб, биз миллий ғоямизнинг энг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Халқимизнинг асрий орзуси, кўзлаган юксак мақсадларимизга етишнинг асосий омили- авваламбор мустақилликни асраб авайлаш. Уни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиққан ҳолда миллий ғоямизнинг маъно мазмунини ҳам

ана шундай мезонлар негизида белгилашни вазифа қилиб қўйдик ва бу борада бир канча эътиборга лойиқ ишларини амалга оширдик. Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олий жаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Миллий ғоянинг тарихий ва фалсафий асослари деганда, унинг тарихий ва фалсафи маъно мазмунини ҳамда хусусиятларини белгилаб берадиган манбааларини тушунамиз. Миллий ғоянинг маъно-мазмунини белгилайдиган асослардан бири-бу халқимизнинг қадимий ва бой тарихидир. Тарих ҳар бир халқ ва миллат учун унинг ўзлигини қадимий илдишларини кўрсатадиган, зарур сабоқ ва хулосалар берадиган маънавий хазинадир халқимизнинг миллий ғояси ҳам ана шу маънавий хазинадан озиқланади. Президентимиз тарихнинг миллий ғоя ва мафкурани шакиллантиришдаги аҳамияти ҳақида шундай таъриф беради: “Миллий мафкурани шакиллантиришдаги энг катта манба-бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки, мафкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган”.¹

Юртимизнинг кўп асрлик тарихини кузатар эканмиз, унда миллий ғоянинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган элимизга хос бир қатор интилишларини кўрамиз. Шулардан бири-халқимизнинг доимо озодлик ва мустақилликга интилиб келганидир. Ота-боболаримиз ҳеч қачон босқинчи кучларга бўйин эгмаган. Ватанимиз тупроғига душман бостириб келганда унга қарши курашга отланган. Тарихимизда бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган мисоллар кўп. Тўмарис ва Широқ, Спитамен, Жалолоддин Мангуберди, Амир Темури каби мард ва жасур

¹Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000, 505-бет

аждодларимизнинг босқинчиларга қарши курашлари шулар жумласидандир. Ёки сўнги мустамлакачилик даврида маърифатпарвар жаид боболаримизнинг озодлик учун ҳаракат қилгани, ўтган асрнинг 80-йилнинг охири ва 90-йиллари бошида халқимизнинг Президент И. А. Каримов раҳбарлигида истиқлол йўлида кураш олиб боргани ҳамда юртимиз мустақиллигини таъминлангани ҳам озодлик йўлидаги интилишларининг биз учун қанчалик муқаддас эканини кўрсатади.

Халқимиз тарихи, тинчлик-осойишталик ҳам биз учун ҳамиша бебаҳо неъмат бўлиб келганидан далолат беради. Элимиз ҳамиша тинч ҳаёт кечириб, ўзининг олижаноб мақсадларига эришишга ҳаракат қилган. Лекин, тарих шуни ҳам кўрсатадики, тинчликка осонлик билан эришиб бўлмайди. Унинг учун курашиш, тинчликнинг қадрига етиш лозим бўлади. Миллий ғоянинг тарихий асослари бунёдкорлик, меҳнатсеварлик азал-азалдан халқимизнинг бош фазилати, устувор мақсадларидан бири бўлиб келганини кўрсатади. Бизнинг қадимий шаҳарларимиз дунё миқёсида тан олинган меъморий обидаларимиз, аждодларимиз томонидан яратилган, Авесто, Шашмақом, Алпомиш каби маънавият дурдоналари халқимизнинг бунёдкор интилишлари маҳсулидир. Ана шу интилишлар ҳам миллий ғояга асос бўлган. Шунинг учун ҳам миллий ғоямизда юрт тинчлиги, ватан равнақи ва ва халқ фаровонлиги каби мақсадлар асосий ўрин тутди.

II.3. Маҳалла ёшларни касб-ҳунарга йўлловчи ва меҳнат билан тарбияловчи жой

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Фуқаролик жамияти ижтимоий макон бўлиб, уни давлат вазифаларини амалга оширишга кўмаклашувчи турли хил нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, ўзини-ўзи бошқариш идораларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бинобарин, ҳозирда мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришда нодавлат, жамоат ташкилотлари орасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим ўринга эга бўлиб, давлатнинг айрим ижтимоий вазифаларини амалга оширишдаги ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини тобора ошириш жараёни кузатилади. Бу жараён олимлар ва тадқиқотчилар олиб бораётган илмий ишларнинг долзарб мавзуларига айланган. Амалий тажриба ҳам фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли кундалик турмуш тарзида, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин эгалаётганини, оила манфаатини таъминлашда, ёшлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда фаол иштирокни кўрсатиб турибди.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатлари, ривожланишнинг тарихий хусусиятлари, шунингдек, миллий урф одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш борасидаги мустақил фаолиятдир. Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш соҳасидаги муносабатлари Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Фуқаролар шаҳар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини-ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов

ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширадилар. Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуққа эгадир. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш таъқиқланади. Уларнинг асосий тамойиллари қуйдагилардан иборат: ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришнинг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари ташаббусига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, фуқароларга ўзини-ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат-нотижорат ташкилотлар сони 5000 дан ошиб, улар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз фаолиятларини амалга ошириб, аҳоли билан яқиндан иш олиб бормоқда. Шу ўринда, ишонч билан айтиш мумкинки, одамларга яқин бўлган, уларнинг иссиқ-совуғидан, яхши-ёмон кунидан маҳалла институтидан кўра яқинроқ хабардор бўладиган ташкилот ёки идора мавжуд эмас. Чунки, бошқа кўплаб нодавлат ташкилотлари ўз фаолият йўналишларининг хусусиятидан келиб чиқиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида муайян тоифадаги аҳоли

манфаатларини ифода этса, фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг бу борадаги фаоляти кенг қамровли бўлиб, асосан аҳолининг кам таъминланган, кўпроқ даражада ижтимоий ёрдамга мухтож тоифалари, кўп болали оилалар, ногироларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Президентимиз И.А.Каримов қайд этганидек, маҳалла ким қандай шароитда яшаяпти, ким ҳақиқатдан ҳам ёрдамга мухтожлигини яхши билади. Маҳалла орқали ёрдам кўрсатишда адолат тамойили бузилмайди. Бу эса ижтимоий ҳимоя соҳасидаги давлат вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Давлат органлари бажарадиган айрим вазифаларнинг фукаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатилишига шубҳа билан қараганларнинг тахминлари нотўғри экани бугун амалиётда ўз тасдиғини топмоқда. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, кўмакка мухтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб тузулмаси бўлиш маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади. Бу авваламбор, зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиклик ва ошкоралик тамоиллари асосида аниқ ўналтириш, аҳолининг ҳақиқатдан ҳам ночор қатламларин қўллаб-қувватлаш, уларни ўтиш даврининг қийинчиликларидан ишончли ҳимоя қилиш имконини берди. Шу тариқа биз юртимизда ижтимоий сиёсий барқарорликни таъминлабгина қолмасдан, айти пайтда ислохотлар ва мамлакатни янгилаш борасида олиб бораётган сиёсатимизнинг халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланишига ҳам эришдик. Умуман олганда, ижтимоий ҳимоя соҳасида нодавлат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш идораларнинг ролини ошириш борасидаги амалиёт нафақат бизда, балки хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам аллақачон шакллантирилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан давлат вазифаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлари иштирокини таъминлаш Япония, Германия, Швеция, Швецария, Италия каби тараққий топган мамлакатлар

тажрибасида ҳам мавжуд. Жумладан бугунги кунда Швецарияда аҳоли ижтимоий таъминоти масаласи, жойлардаги жамоалар ваколатига берилган бўлса, Швецияда маҳаллий органлар нафақат маҳаллий иқтисод ва коммунал хизмат шунингдек, давлат вазифаларига кирувчи, ижтимоий ҳимоя, таълим тизими, тиббий хизмат ва соғлиқни сақлаш учун ҳам жавобгардир. Умуман олганда, миллий ва хориж олимларнинг фикрича, маҳаллий аҳамиятдаги масалаларни давлат манфаатларидан алоҳида ажратиб бўлмайди, улар давлатнинг эътиборидан четда қолмайди ва қолиши ҳам мукин эмас. Бу тартиб фақат бизга тегишли бўлмай, балки хорижий мамлакатлар амалиётида ҳам шундай тартибга риоя қилинади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугун юртимизда маҳаллалар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-хўжалик, маданий муносабатларда фаол қатнашиб, фаолияти янада серқирра аҳамият касб этмоқда. Бу ҳол уларга ишонч, айни вақтда масъулият ҳам юклайди. Шунга кўра ҳозирда мамлакатимизда маҳаллаларни ривожлантиришнинг илғор усуллари қўллаб. Уларнинг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш йўллари қидиришимиз мақсадга мувофиқ, бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш эса айни муддао ҳисобланади.

Маълумки, маҳалла минглаб оилалардан ташкил топиб, оилани маҳалла негизи унинг асосий бўғини дейилади. Бунинг маъноси шуки, одамлар уюшиб, ҳамжиҳат бўлиб яшаш кўникмасини оила орқали ўзлаштиради ва бу зарур тамойил улар учун ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолади. Маҳалла ўзаро уюшиб яшашнинг юксак шаклидир. Чунки, унда нафақат одамлар, балки турли гуруҳлар, тоифа ва қатламлар, оқим ва қатламлар, оқим ва кучлар ҳам бирлашади. Оилада фарзандлар ўзларини қондош ҳис этганларидек Ватанда яшовчи фуқоролар ўртасида ҳам ана шундай яқинлик мавжуд. Бундай яқинлик бир замин, бир ҳудудда тинч ва осойишта яшашдан манфаатдорликка асосланади. “Оилада ҳавас қилса арзийдиган муҳитни яратишда биринчи навбатда маҳалла

таъсирчан кучга эга бўлиш керак. Очик айтадиган бўлсак ҳозирги кунда бу унчалик сезилмаяпти. Маҳалла фақат оилаларда яхши муҳитни яратиш билан чекланиб қолмай қайнона-қайноталар билан ҳам мунтазам иш олиб бориши зарур”¹-дейди Юртбошимиз.

Ота-она, эр-хотин, ака-ука, опа-сингиллар, фарзандлардан иборат оила ўзбек оилаларнинг энг мукаммал шаклидир. Бундай оилада эр-хотин муносабатлари бутун оила муҳитини белгиловчи асосий омил бўлади. Шарқ, хусусан ўзбеклар оилавий муносабатларда азалдан, хотин-эрнинг вазири, деган тамоилга асосланган. Бу тамойил исломнинг “Нисо” сураси 34-оятидаги, эркаклар хотинлари устидан раҳбардирлар, деган қоидага нақадар уйғундир. Президентимиз ва ҳукуматимиз ёшларни иш билан таъминлашга, янги-янги иш ўринларини яратишга ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши сифатида алоҳида эътибор бермоқда. Ана шундай бир шароитда кўплаб тадбиркор, улардан ҳам кўпроқ бозорчи, энг тўғри маънода олиб сотар аёлларимиз, энг ёмони оз бўлсада, ўзини ҳам бозорга сотадиганлар пайдо бўлди. Аёлини чет элга савдога юбориб, гердаиб юрганлар ҳам ота-онасининг нафақасига қараб ўтирганлар ҳам йўқ эмас. Сабабини сўрасангиз, иш йўқ, дейишади. Тўғри бозор шароитлари, иқтисодий ислохотлар даврида ишсизлик мавжудлигини ҳеч ким инкор қилмайди. Бироқ, фин халқининг “Агар киши қўл-оёғи, ақли соғ бўлиб қашшоқ яшаса, ўзи айбдор”,-деган мақоли бор экан. Бу ҳикматда биз ўрнатилган олсак арзийдиган маъно бор. Эркаклар бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларини ўргансалар, аёллар бунга шароит яратиб берсинлар. Бироқ, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Биз истамасак ҳам аёллик номига доғ тушираётганлар бор. Эрдан кўпроқ даромад қилган жоҳил, раҳбар, илмун зўру, фаросати кам аёллар эрни сўзи ҳатти-ҳаракатлари билан

¹. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000, 8-том, 440-441-бетлар.

камситилади. Натижада, оилада-маҳаллада отанинг, ўғил-боланинг кадри, ҳурмати тушиб бораверади. Қизлар “эркаклашади”. Бундай ҳолат оилалар миқёсида ўсиб бораверса, бора-бора бутун миллат генофонди, менталитетига салбий таъсир кўрсатиб, ўзига хос, оила экологик фожиасига, олиб келиши мумкин.

Оилада, маҳаллада турли тўй ва маросимларда буни бажариш мумкин-ку. Бу билан биз қизларимизга айтмасдан тарбия бера оламиз-ку. Табиатдаги ҳамма нарсалар, мактаб ўқувчисига ҳам маълум бўлган кўзга кўринмас майда пратон ва нейтрон зарраларидан пайдо бўлгандек, миллий қадриятларимиз, маънавий бойлигимиз ҳам ана шундай арзимас туйилган ходисалардан ташкил топади. Рўғорнинг бутунлиги, демакки оиланинг ривожланиши кўп жihatдан аёлга боғлиқ. Шундай оилалар борки, эркак топиб келади, аммо хотинни режасиз харажатлари туфайли рўзғор барака кўрмайди. Лекин, бахт-саодат фақат бойлик, мол-мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Фарзанд тарбияси ҳақида Юртбошимиз шундай дейди: “Биз фарзандларимиз тарбиясида шундай йўл тутишимиз лозимки, токи улар ёмондан, ҳаромдан ҳазар қилсин, ҳасад қилишдан уялсин, сотқинликни ор деб билсин. Устидан ёпирилиб келаётган, оммавий маданият, гирдобидан узоқ юрсин. Бунинг учун эса аввало тарбиясига илму-ҳидоят, меҳру-муҳаббат, сабру-қаноат, оталарча, оналарча бағрикенглик керак”.

Ўзбек оилаларида кўпчилликни ўйлантирадиган муаммоларидан бири ёлғиз фарзандлиликдир. Ёлғиз бола муаммоси тарбияда бугун пайдо бўлиб, эртага йўқоладиган ҳодиса эмас. Анъанавий миллий менталитетимизга хос хусусиятлардан яна бири шундаки, ўзбеклар ҳеч қачон фарзанди ёлғиз бўлишини истамаган, аксинча, ўнта бўлса ўрни бошқа қирқта бўлса қилиғи, деб келган болажон халқ. Бизнингча ёлғиз бола муаммоси ечими жуда содда, айна пайтда жуда машақатли иш.

Соддалиги шундаки, бу ечим бобо-буви, ота-онанинг психологияси билан боғлиқ. Чунки, шу бола уларнинг ҳаёти, келажагининг мазмуни. Улар бу болани еру кўкка ишонишмайди. Нима қилишса, нима топишса, шу ёлғиз фарзанд учун бўлади. Гўзал оилавий муносабатлар қандай бўлиши, ёлғиз болани ҳам маънавий юксак қилиб тарбиялаш мумкинлиги намунасини биз улуг адибимиз Абдулло Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида кўрамиз. Асардаги фарзандлар ва ота-оналар, келин-куёв ва қайнота муносабатлари нақадар миллий, ҳар қанча ҳавас қилса арзигулик. Отабек ҳам Кумуш ҳам, ўз даврининг бой кишиларнинг ёлғиз фарзандлари бўлишига қарамай ҳеч бир инсонни заррача камситмайди.

Бола улғайгач қўни-қўшни, боғча, мактаб, маҳалла муҳити билан таниша борган сари аёлнинг ҳам ташвишлари кўпаяди. Энди у, ўғлим ёмон болаларга, қизим ёмон қизларга, у диний оқимларга қўшилиб қолмасин, чекиш, ичкиликга, гиёҳвандликга ўрганмасин, деб қайғура бошлайди. Оиладан ташқари муҳитнинг унга таъсири кундан-кунга кучайиб боради. Ана шу сабаблар туфайли табиий равишда аёлнинг жамоатчилик, маҳалла билан мулоқотлари доираси ҳам кенгаяди, фаоллашади. Юртбошимизнинг ўзбекларда оила ва маҳалланинг бирлигини донишмандона ифодалаган қуйидаги фикрини келтиришни лозим топдик: “Ўзбекларнинг аксарияти ўзнинг шахсий фаравонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари яқин одамларнинг, қўшниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”¹.

Инсон илк бор меҳрни оилада кўради. Киши ёши, мансаби, касб-хунаридан қатий назар бирор оила ва маҳаллада яшайди. Миллий менталитетимизга эътибор берсак, оила ва маҳалла учун одамнинг

¹Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Тошкент: “Ўзбекистон”,1998, 21-бет.

бойлиги, амали эмас, балки одамгарчилиги, уйдагиларга ғамхўрлиги, маҳалланинг тўй-азаларида иштироки муҳим бўлиб келган. Маҳалла аниқ оилалардан ташкил топган мўъжаз кишилиқ жамиятидир. Оилани эса бошқа ҳеч бир давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари маҳалладагидек яхши билмайди. Оилада бошланган меҳр маҳаллада комол топиб, жамиятнинг бебаҳо мулкига айланади. Фарзанд бўлмаса, тадбиркорлик ҳам, касб ҳам, маҳалла, ҳатто Ватан ҳам, умуман ҳаёт ўз маъносини йўқотади. Халқимизда, бу дунёни орқалаб кетармидек, деган ҳикмат бор. Бу ўзбек аёлининг ўз оиласига мустаҳкам боғлиқлигидан фахрланамиз. Аёллар учун ижтимоий фаолияти билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соғлом авлодни вояга етказишга имкон берувчи шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир, - дейди Юртбошимиз.

Халқимиз болажон халқ. Жамоат жойларида чақалоқли, ёш болали аёлларга отахонларимиз ҳам, онахонларимиз жой беришади ёки ўз кўлларига олишади. Ўзбек аёли қандай касб эгаси бўлмасин, юрт келажаги, фарзандлари учун жонини ҳам аямайди. Бири беш-ўн фарзандни катта қилса, бири таълим беради, яна бири оилалар мустаҳкамлиги учун яшайди. Шу ўринда, ажойиб шоира Турсуной Содикованинг “Розилиқ излаб” номли китобидаги қуйидаги мулоҳазалар ҳар жиҳатдан ибратлидир. Аёл сизга ёқмаган алфозда ҳам қозонингизни қайнатиб, чироғингизни ёқиб юраверади. Ўтинингиздан кириб, қулингиздан чиқаверади. Юклик ҳолларида ҳам ўшандай, тиним йўқ. Ичидаги боласи унинг ўпка-жигарига чирмовуқдай ёпишиб, бағридаги бор мағзини шилиб турса ҳам (бекорга оғироёқ демайдилар) оёқлари шишиб, бели узилай деса ҳам, ётиб олмайди, рўзгорининг, сизнинг хизматингизни қилаверади! Сизнингча, ҳурмат унга бўлмай, кимга бўлсин? Кўзи ёриди, дейдилар ва бекорга бундай демайдилар. Фарзанд кўриш жараёнида аёл қоронғу гўрни кўриб қайтади, ё ҳаёт, ё мамот,-дея қутқу солиб турган кўприқдан ўтади. Кўзи ёрир экан, аёл суякларининг

кирсиллаб сўрилаётганини эшитиб, эларининг узилаётганини билиб туради. Жону кўз косасидан чиқай деб, турсада, духтиржон нима қилсангиз ҳам боламини тирик олинг, -дея фарёд уради! Ўзим, нима бўламан дейиш йўқ. Аёлларнинг, онанинг мўътабарлиги, муқаддаслиги ҳам ана шундан.

Шундай экан, ҳозирдан бошлаб бу улуғ зотни асраб-авайлаш, корига яраш, ундан қўлдан келганча хизматда бўлиш, ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Она! Бу сўз жамики инсонларнинг муқаддас сўзи. Аммо нега бу буюк зотнинг қадрига ўз вақтида етмас эканлар-а?

Бир болага етти қўшни ота-она, деган нақл ҳам бежизга айтилмаган. Бундай ҳикматлар замирида аввало тарбия ётади. Тарбияли ёшлари бўлган халқ эса қудратли бўлади. Маҳалла-тарбия маскани, дедик, демак унда бошқа жамоалардан фарқли ўлароқ, каттаю-кичик баровар тарбия топади, камолга етади. Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, маҳаллаларда тарбиявий ишлар, яхши йўлга қўйилса, бу ерда маънавий-ахлоқий муҳит, тартиб-интизом, кенг шаклланади, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ҳислари янада мукаммал шаклланади. Мазкур йўналишда маҳаллада ўтказиладиган “Энг озода кўча”, “Қасбим-фаҳрим”, “Тарбия остонадан бошланади”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Хунар-хунардан унар” каби мавзулардаги маънавий-маърифий, сиёсий, маданий-ташкилий тадбирларнинг аҳамияти катта. Таълим-тарбия масаласи мураккаб, кенг қўламли масалалардан биридир. Бундай масъулиятли, шарафли ишни оила, маҳалла, мактаб, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш, муҳим ўрин эгаллайди. Абдулла Авланийнинг фикрича: “...тарбия бизлар учун ё ҳаёт- ё мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир”. Демак, оила асосий тарбия маркази саналар экан, маҳалла кенг жамоатчилик ҳам ёш авлод тарбиясида бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги қонуннинг 12-моддасида,

тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалар билан ҳамкорлик қилади, -дейилган. Бу борадаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси ҳамкорликда тайёрланган ва қабул қилинган “Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” Концепциясида аниқ белгилаб берилган. Айниқса, оила билан маҳалла аҳлининг ҳамкорлигини яхши йўлга қўйиш болалар ва ўсмирлар ўртасида тартиб бузарлик, ўғирлик, танга жароҳат етказиш, номусга тажовуз қилиш, гиёҳвандлик ва шунга ўхшаш, маиший бузуқликлар билан шуғулланишнинг олдини олишда мазкур ҳужжат муҳим тарбия воситасига айланган.

Маҳалланинг устунлиги шундаки, бу ерда кўп йиллар давомида бирга яшаган, бир-бирини билган, синаган, таниган кишилар истиқомат қилади. Улар ҳар бир оиладаги муҳитни ва ҳар бир бола тарбиясини, ота-онасининг маҳаллада тутган ўрни ва обрў эътиборини ҳамда оиланинг мавқе-имкониятларини яхши билишади. Боланинг қандай инсон бўлиб етишуви ота-она тарбияси ва атрофдагиларнинг таъсирига боғлиқ. У ёшлиқдан ота-онаси, ўртоқлари, шу ердаги кишилардан маънавий озуқа олади, уларга тақлид қилади, кўпгина урф-одатларни, хулқ-одобини ўзлаштиради. Бола тарбиясида унинг ёш жиҳатига, руҳият ва тушунчасига, феъл-атворида алоҳида аҳамият бериш зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда, тарбия ишларини ҳамкорликда олиб бориш доимо ижобий натижа берган. Унинг ўз вақтида, етарли даражада берилиши оиланинг тинчлиги, хотиржамлигидир. Ҳар бир оила бахтли бўлса, маҳалла, жамият гуллаб-яшнайдиган, ривожланади, дунёга танилади. Ҳамкорликда ишлаб чиқилган Концепцияда ёшлар тарбиясида маҳалланинг вазифалари қуйдагича белгиланган.

- маҳалла фаоллари томонидан таълим муассасалари билан биргаликда таълим тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш ва оқилона ечимлар топишда фаоллик кўрсатиш;

- маҳалла ўз ҳудудидаги ижтимоий ва иқтисодий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаб ва фарзандларининг билим ҳамда тарбия олишларига бош қoш бўлиш;

- фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни аниқлаб, маҳалла йиғинларида муҳокама қилиб, жамоатчилик таъсирини ўтказиш, лозим ҳолларда улар билан тегишли профилактик тадбирларни олиб бориш мақсадида фаоллардан бирини маҳалла қарори билан оталиққа олиш ёки қонун доирасида чоралар кўриш, ўз ҳудудидаги таълим муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни қўллаб-қувватлаш;

- ота-оналар орқали болаларни ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий одоб, миллий ғоя, байналминаллик каби хислатларга ўргатишни ҳар тамонлама рағбатлантириш, ёшлар шуурига аجدодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боришга жамоатчиликни сафарбар қилиш;

- нотинч оилаларни аниқлаш ва уларда содир этилиши мумкин бўлган келишмовчилик ҳамда низоларнинг олдини олиш;

- маҳаллада миллий давлатчилик ва мафкура ғояларини, республикамизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар тарғиботини амалга ошириш борсида турли тадбирлар ташкил қилиш, кабилар шулар жумласидандир.

III-боб. Оила ва маҳаллада ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари ва воситалари

III.1. Оилада ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда халқ педагогикаси методларидан фойдаланиш

Ёшларнинг билим олиши, миллий ғоя руҳида тарбияланиши ва уларни келгусида муайян касб эгаллашга йўналтиришда мактаб ёки билим даргоҳлардаги таълим-тарбия жараёни билан бирга ота-она ва жамоатчиликнинг диққат эътибори ва иштироки ҳам ниҳоятда муҳимдир. Чунки, ёшлар билим даргоҳида, атиги 5-6 соат банд бўлади холос, қолган вақтда асосан оила, ота-она назоратида бўлиши табиийдир. Бунинг учун тарбиячилардан, оила ва маҳаллаларда ёшлар тарбиясини тўғри ташкил этиш, уларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш орқали миллий ғояни шакллантиришда халқ педагогикаси методларидан самарали фойдаланиш чуқур билим ҳамда юксак масъулият талаб этади. Тарбия методлари-ўқитувчи, тарбиячининг ўқувчиларга таъсир кўрсатиш усуллари, уларга ижобий хулқ-атвор кўникмалари ва малакаларини сингдириш мақсадида уларнинг ҳаёти ва фаолиятини тарбиявий жиҳатдан тўғри таъсир этиш йулларидир. Баркамол авлод таълим-тарбияси бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов: Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсон бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратилишини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, - деб таъкидлаган. Аждодларимиз давр синовидан ўтган ажойиб инсоний фазилатлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва воситаларини яратганлар. Шу асосда ёшларни миллий тарбия ва ижтимоий ҳаёт талабларига жавоб берадиган кишилар қилиб тарбиялаб келганлар. Ёшларда инсоний ҳис-туйғуларни тарбиялашнинг асоси, кишиларга меҳр-муҳаббат қўйиш, иззат-ҳурмат

билан муомала қилиш, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қадрлаш, кишилар олдидаги ўз бурчини англаш, одамларга нисбатан самимий, ҳалол ростгўй бўлиш каби одоб ва ахлоқ қоидаларини ўз ичига олади.

Ўзбек халқ педагогикасининг муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятлардан яна бири фольклор материалларида халқ педагогикасида қўлланиладиган тарбия йўллари, метод ва воситаларининг ёритилишидир. Меҳнаткаш халқ оммаси, узоқ даврлар давомида вужудга келган тарбия усуллари ва воситаларидан фойдаланган. Чунончи, тушунтириш, одатлантириш, болаларнинг кундалик ҳаёт тартиби, ибрат кўрсатиш, маслаҳат бериш, ўғит-насихат, ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлбориш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, макташ, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш, таъқиқ қилиш, ман этиш, таъна, гина қилиш, қоралаш. Аллоҳдан қўрқишга ундаш, танбеҳ бериш, узр сўраш, мажбур қилиш, масхара-мазах қилиш, захархандалик, айблаш, уялтириш, койиш, қарғаш, қўрқитиш, нафрат билдириш, айбига иқрор қилдириш, онт-қасам ичириш, лаънатлаш, сўкиш, уриш-калтаклаш, жамоа ҳукмига ҳавола қилиш каби усуллар тарбияда қўл келганлиги таъкидланади. Болаларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашда, асосан қуйидаги педагогик метод ва воситалардан фойдаланилади:

1. Ижтимоий онгни шакллантириш методлари - ўқувчиларда илмий дунёқараш ва ишонч-эътиқодни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига ҳар тамонлама таъсир кўрсатишда қўлланиладиган усуллардир. Бу методни амалга оширишда тушунтириш, уқтириш, ишонтириш, ўғит-насихат, маслаҳат бериш, илтимос ва истак, буюруқ ва талаб, ахлоқий суҳбатлар каби шакллардан кенг фойдаланилади.

2. Ибрат-намуна методлари - ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Намуна-ўрнатма ёки ибрат методи болалардаги

тақлидчиликка асосланади. Тақлид бошқаларнинг хулқ-атворини, ҳатти-ҳаракатини онгли ёки ихтиёрсиз равишда такрорлаш демакдир.

3. Рағбатлантириш ва жазолаш. Бола ўз ҳатти-ҳаракати, қилиғига бошқаларнинг баҳо беришларига муҳтождир. Рағбатлантиришнинг хилма-хил шакллари сирасига қуйдагиларни киритиш мумкин: маъқуллаш, кўнгил кўтариш, далда бериш, ишонч билдириш, ишонтириш, қайд этиш, мақташ, мукофотлаш.

Жазо шакллари: пўписа, койиш, уялтириш, қизартириш киради. Бундан ташқари кун тартиби, одатлантириш ва ўйин ҳамда спорт воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Юқорида келтирилган тарбия методларига асосланиб, ёшлар тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро алоқасини ўрганиш мақсадида оилаларда суҳбат, учрашув ва анкета сўровномаларни ташкил этдик. Қуйида ана шундай амалий-методик иш натижаларидан бири бўлган “Ёшлар тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўрни” мавзусидаги амалий иш натижасини келтириб ўтамиз. Иш жараёнида Термиз шаҳридаги “Юлдуз”, Сариосиё тумани “Қулмазор” ва Денов туманидаги “Ўшор” маҳаллалари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг мақсади: оила ва маҳаллаларни ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари билан таништириш. Оилаларда бўладиган турли муаммоли вазиятларни ечимини топишга ёрдам беришдир.

Тадқиқотдан кутилган натижа: мазкур ишнинг оилаларда фарзанд тарбиясида баъзи жиҳатларга тайёр эмаслиги, тарбияда халқ педагогикаси намуналаридан фойдаланиш суғлиги натижасида оилавий ҳаётда учрайдиган турли ҳолат ва муаммоларни, уларни бартараф этиш йўллари билиш ва кўникмалардан хабардор бўлиш имконини беради.

Тадқиқотни амалга ошириш технологияси: Шакл: кузатиш, суҳбат, кичик гуруҳларда ишларни амалга ошириш.

Метод: муаммоли таҳлил, оғзаки баён, Б,Б,Б, кластер.

Ҳозирги кундаги самарали технологиялар: савол-жавоб, тарқатма материаллар, анкета сўровномалари, мултимедия воситалари.

Назорат: гуруҳлараро оғзаки сўров, қиёсий таҳлил ўтказиш.

Баҳолаш: рағбатлантириш ва ўз-ўзини фаолиятли баҳолаш.

Тадқиқотнинг бориши: уч босқичда амалга оширилди.

1-босқич (ташкилий-йўналтирувчи). Танлаб олинган маҳаллалар билан танишиб чиқилгач, улардаги оилаларга маҳалла паспорти асосида кузатув ишлари бошланди. Ҳар бир оила билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, у ердаги тарбия жараёнлари билан танишиб чиқилгач, уларни гуруҳларга ажратилди. Улардан юксак маърифатли, ўрта ҳол маърифатли ва оддий оилалар танлаб олинди. Ҳар бир гуруҳга 5 тадан оила иштирок этиб, 25 та саволдан иборат анкеталарни тарқатиб чиқдик. Натижада улар эгаллаган баллар фоиз ҳисобида қуйдагича кўрсаткични :

1 гуруҳ. Юксак маърифатли оилалар 65% ни

2 гуруҳ. Ўрта ҳол маърифатли оилалар 60% ни

3 гуруҳ. Оддий оилалар 50% ни ташкил этди.

Кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Ҳар бир иштирок этган оилалар билан яқка тартибда шуғулланилиб, қуйдаги муаммоли саволлар билан мурожаат этилди.

1. Фарзанд тарбиясида қандай омилларга таянасиз?
2. Тарбияда халқ педагогикаси намуналаридан қандай фойдаланасиз?
3. Бола тарбиясининг бузилиб кетишида қандй омиллар таъсир кўрсатади?

Ушбу саволларга ҳар бир оила ўз таҳлилий муносабатини аниқ, ишончли маълумотлар билан баён қилиши кераклигини тушунтирдик. Таҳлил қуйдаги босқичларда олиб борилиши ота-оналарга тавсия этилди:

- Келтирилган муаммоли вазиятдан ҳал қилиниши лозим бўлган тарбия муаммоларини топиш.

- Тарбия муаммоларини келтириб чиқарган ижтимоий, психологик, биологик омилларни таҳлил қилиш.
- Тарбия маммоларининг ечимини таклиф этиш ва тавсиялар бериш.

2-босқич (фаолиятли). Ҳар бир гуруҳдаги оилалар келтирилган муаммоли вазият бўйича ўз таҳлилларини таклиф этишди. Масалан, 1-гуруҳ қатнашчилари келтирилган муаммоли вазият, тарбияда ўта муҳим эканлигини таъкидлаб, мазкур муаммолар жавобларини қуйдагича изоҳлашди. Биринчидан, фарзанд тарбиясида туғилгандан бошлаб, тарбияга алоҳида эътибор ва назорат керак. Иккинчидан, анъаналар ва урф-одатлар давомийлигини асраб-авайлаш, халқ қаҳрамонлари Алпомиш, Гўрўғли ва халқ эртақларидан тарбия жараёнида самарали фойдаланиш. Учинчидан, фарзанд тарбиясининг бузилиб кетишида муҳитнинг таъсири катта эканлиги, бунинг учун ота-оналарнинг тарбия жараёнида суғлиги. Тўртинчидан, болаларни бўш вақтларини мазмунсиз ўтиши, уларни доимий назоратсиз қолишида. Бу жараёни ҳар бир оила тарбияда қўллаб, доимий фаолиятда амалга ошириш мақсадида гуруҳ томонидан қуйдаги тавсиялар берилди:

- Ота-оналарнинг фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор бериши.
- Тарбияда таъсир этувчи омиллар ҳақида ўз фарзандларига доимий тушунчалар бериб бориши.
- Ёшлар тарбиясида халқ педагогикаси анъаналаридан самарали ва доимий фойдаланиши.
- Маҳаллаларда оилалар билан суҳбат, учрашув ва турли танловлар ўтказилиб турилиши.

Шу тартибда барча гуруҳдаги оилалар ўзлари олға сурган муаммо жавоблари билан танишиб чиқиб, таҳлил қилиб чиқилди.

3-босқич(таҳлилий). Гуруҳдаги оилалар ўз таклиф ва мулоҳазаларини яқунлагач, ҳозирда ёшларнинг ота-оналаридан талаби қай даражада, фарзанд тарбиясида қанчалик эътиборли, улар ота-оналаридан ҳаётда

учраши мумкин бўлган турли зарарли иллатлардан ҳимояланиш учун қандай муносабат кутишаётганини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказдик. Унга кўра, 100% қатнашчининг, 48% ота-оналари уларни доимий назорат қилиб, маълум бир билимлар бўйича савол-жавоб ўтказиб туришларини, 32% эса уларни тўғаракларга илҳомлантиришларини, хориж тилларини ўрганишга шароит яратиб беришларини, 3% эса оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилаётган зарурий янгиликларни таҳлил қилиб беришларини айтишди. Оилаларда барча фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий, психологик ва биологик жиҳатлари хусусида қўшимча илмий-назарий маълумотлар берилиб, видео роликлар намойиш этилди. Ноанъанвий машғулотлар жараёнида оила ва маҳалланинг ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашга бўлган онгли ёндошувни, уларни мазкур йўналишдаги педагогик саводхонлик даражасининг ривожланиб бораётганлигини улар билан олиб борилган ишлар мазмунида кўзга ташланди ва аниқланди.

Қиёслаб тажриба, самараси таҳлили сифатида юқоридаги гуруҳларнинг билим даражаси натижасини аниқлаш мақсадида анкета саволлари тарқатилди. Натижада:

1-гуруҳ. Юксак маърифатли оилалар 85% ни

2-гуруҳ. Ўрта ҳол маърифатли оилалар 75% ни

3-гуруҳ. Оддий оилалар 65% ни ташкил этиб ижобий кўрсаткичга эришилди. Натижалар таҳлилини методик жиҳатдан, таҳлил этар эканмиз, ноанъанавий машғулотларнинг ташкил этилиши ва бунда халқ педагогикаси намуналаридан самарали ҳамда доимий фойдаланиш ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрнига ижобий таъсир кўрсатади.

Олиб борилган эксперимент натижаларига кўра танланган, уч маҳалладаги маънавий-маърифий ишлар самараси қуйдагича таҳлил қилинди.

Термиз шаҳар “Юлдуз” маҳалласи	80 %
Сариосиё тумани “Қулмазор” маҳалласи	70 %
Денов тумани “Ўшор” маҳалласи	65 %

ни ташкил этди. Бу натижалар таҳлили шуни кўрсатадики Термиз шаҳар “Юлдуз” маҳалласи 80 % кўрсаткичга эришганлиги, у ерда маҳалла фаоллари иш натижаларининг яхши йўлга қўйилганлиги. Оилаларда ёшлар тарбиясида оила ва маҳалла ҳамкорлиги асосида, ёшларни ўзлигини билиш, урф-одат ва қадриятларга риоя қилиб, уларни бўш вақтларида турли хил тўғаракларга жалб қилинганлигида. Маҳалладаги оилаларда маънавий-маърифий ишларни доимий равишда ўтказилишидадир. Сариосиё тумани “Қулмазор” ва Денов тумани “Ўшор” маҳаллаларида ўзлаштириш даражасининг пастлиги маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларнинг сустлигидадир. Улар ҳам юқори натижага эришиш учун ёшлар тарбиясида маънавий-маърифий ишларни доимий равишда ўтказиб, маҳалла гузарларини ташкил қилиш ва ёшлар тарбиясида турли хил тўғаракларни ташкил этиш лозим.

Демак, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни ўзига хос педагогик шароит ва махсус ташкил этилган тарбия жараёнини талаб этиб бунда:

- ота-оналарнинг фарзанд тарбиясида доимий назорати;
- тарбия жараёнида тизимли-фаолиятли ёндошув;
- тарбияда халқ педагогикаси намуналаридан доимий фойдаланиш;
- маҳалла ва оилаларда маънавий-маърифий ишларни доимий ўтказиш;
- нафақат фарзандлар, балки ота-оналарнинг ҳам бу соҳалардаги амалий саводхонлигини ошириш;
- ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрнига қаратилган тарбиянинг янгича шакл методларини излаб топиш, амалиётга жорий этиш ҳамда бунда замонавий педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш, мақсадга мувофиқдир.

Ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бирига айланди. Бу жараёни амалга ошириш жамиятдаги барча ижтимоий институтлардан фаолликни талаб этади. Айниқса, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила, маҳалла ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро келишилган ҳамкорлигига зарурат тобора кучаймоқда. Чунки, ҳозирги давр кишисини тарбиялашда нафақат таълим муассасалари балки кенг жамоатчиликнинг иштирок этишини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда қуйидаги воситалар муҳим таъсир кучига эга. Улар :

1. Оила.
2. Маҳалла.
3. Таълим муассасалари.
4. Оммавий ахборот воситалари.
5. Спорт ва тиббий муассасалар.
6. Миллий қадрият ва анъаналар.
7. Нодавлат нотижорат ташкилотлар.

Ушбу воситалар ёрдамида ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашни босқичма-босқич шакллантириб бориш уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини ҳамда оила ва ахлоқий муносабатлар моҳиятини тушуниш, таҳлил қилиш каби ахлоқий-қўникмаларни ҳосил қилиш жараёнини тезлаштиради. Бу эса, ёшлар тарбиясидан оила, маҳалла ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал этишга эътибор қаратишни талаб этади.

- ҳамкорликдаги фаолиятнинг зарурлиги, имкониятлари, вазифалари ва афзалликларини тўғри англаш;
- ёшларнинг соғлом турмиш тарзига, оила қуриш, фарзанд кўриш, уни тарбиялашга бўлган муносабатларини билиш ва шакллантириш;
- ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оила ва кенг жамоатчилик таъсиридан фойдаланиш;

- зарарли одатларга берилмаслик, шарқона урф-одатларни сақлашга оид билимларни ёшлар онгига ҳаётий мисоллар, замонавий далиллар асосида етказиш.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда оила кенг имкониятларга эга. Чунки, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш маданиятини шакллантириш ўзбек оилалари учун долзарб масалалардандир. Оилавий тарбияда энг муҳим шарт-оиланинг мустаҳкам, маънавий соғлом асосда қурилганлиги, аввало ота-оналарнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари улар ўртасида тотувлик, ахилликнинг барқарор бўлиши, фарзандларини келажак ҳаёт, турмуш қуришга тайёрлаш уларнинг кундалик эътиқод тарзида масъулиятли бурч эканлигини онгли тушунишлари ва буни амалда оқлашлари керак. Ёшлар тарбияси шундай долзарб масалаки, у нафақат оила, маҳалла балки оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари, ижтимоий жамғарма ва нодавлат ташкилотларнинг фаолиятида ҳам етакчи ўринларни эгаллайди. Буни ҳозирда ёшларнинг таянчи бўлган “Қамолат” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Меҳр нури”, “Фонд форум”, “Ижтимоий лойҳалар маркази” каби бир қанча нодавлат ташкилотларнинг ҳаракат дастурларида яққол кўриш мумкин бўлади. Улар томонидан ўтказилаётган танловлар, учрашувлар, илмий амалий анжуманлар ёшларни бўш вақтини фойдали ишларга жалб этиш, улардаги ижтимоий фаолликни ошириш, ўз имкониятларидан тўла фойдаланишларига кўмаклашувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, оила, маҳалла ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг ранг-баранг, қизиқарли ва доимо янгиланиб турувчи шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиб, уларни амалиётга тадбиқ этишлари мақсадга мувофиқдир. Мазкур иш шакллари ташкил этишда оила, маҳалла ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини бир мақсад сари йўналтириш, улар фаолиятини режали ташкил этиш ҳамда ҳар

томонлама таъсир этувчи жараёнга айлантириш ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда катта имкониятлар яратиб беради. Шунингдек, оила, маҳалла ва ННТ ҳамкорлигида амалга ошириладиган ишлар мазмунини: узвийлик, кўргазмалийлик, ахборот ва маълумотларнинг ёш ва психологик хусусиятга мослиги, мақсадларнинг муштараклиги, ўз-ўзига талабчанлик, тарбиявий ишларнинг мазмуни унинг шакл ва методларига мослиги, ғоявий бирлик каби тарбиявий тамойилларга асосланган ҳолда ҳамкорликдаги иш мазмунини замон руҳи билан мослаштириш, бунда асосан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш шартлари ва унинг тарбияси йўналишларида маълумот берувчи чоратadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса:

- маҳаллаларда маҳалла гузарларини ташкил этиб, у ерда ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли хил тўғараклар ташкил қилиб уларни жалб этиш;
- миллий ғояни шакллантиришнинг аниқ йўналишларини белгилаш ва шу йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мазмуни билан ота-оналар, маҳалла ва нодавлат ташкилотлари фаолларини таништириш;
- ёшларни кун тартибини тўғри йўлга қўйиш ва мунтазам равишда ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш;
- ёшларга ҳамкорликдаги иш шакллари орқали миллий ғоя-келажақдаги мустақил оилавий ҳаётларида фаровон яшаб, меҳнат қилишлари учун асос бўлишини тушунтириб бориш ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни борасидаги амалий ишларнинг услубий ечими бўлиб хизмат қилади.

III.2. Маҳаллада ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда салбий ходисаларга қарши курашишнинг аҳамияти

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётида маҳалланинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Маҳалла ўзбек халқи характери, турмуш тарзи, фаолият мазмунини ўзида акс эттириб, одатда миллатни бирлаштирувчи, уюштирувчи, йўналтирувчи ва жамоатчилик асосида фаолият юритишга ундовчи ижтимоий институт ҳисобланган.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов масаланинг муҳим эканлигини таъкидлаб, “ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини кўриб турибмиз.

Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний-ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб борсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади”¹.

Маҳалланинг таъсирчан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий институт эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи

1. Каримов И., Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11 том., -Тошкент., 2003., -109-бет.

бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди ², - деб қайд этилган.

1993 йил сентябрь ойида “Фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Унга биноан маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимиятнинг таркибига кирди. Демак, маҳаллалар давлатимизнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб-китоб рақамига-жамғармасига эгадир ³. Шундай қилиб, давлат мустақиллигига ва сиёсий суверенитетига эришиш шароитида давлатчиликнинг миллий шаклини қайта тиклашга, Ўзбекистон халқларининг ижтимоий турмушида миллий анъана ва одатлардан яна тўлароқ фойдаланишга интилиш кучайди.

“Фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Қонунда маҳалла, унинг раисининг вазифалари, бурчлари белгилаб берилади. Жумладан, унинг 22-моддасида маҳалла оқсоқолининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд инстанцияларида, корхона, муассасаларда фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиши, маҳалла ободонлиги учун қайғуриши, аҳолига савдо-коммунал, маиший хизматни яхшилашда ёрдам бериши, фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятини таъминлаш устидан жамоат назоратини ташкил этиши, аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаб ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолатини назорат қилишни амалга оширишга ёрдам бериш, давлат ва жамоат идораларига ногиронлар, боқувчисини йўқотган одамлар, кўп болали oilалар, яқка қолган оналар, табиий офатдан зарар кўрган фуқароларнинг моддий ва яшаш, турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида таклиф киритиш каби қатор ваколатлари мавжудлиги белгиланди.

Маҳаллаларга берилаётган имкониятлардан фойдаланиш, амалга

²Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент-2008.-29-бет.

³ Мустақиллик, Изоҳли илмий-оммабоп луғат., -Тошкент., 2006.,-189-бет.

оширилаётган ишлар, фаолиятини ўрганиб чиқиш мақсадида, Термиз шаҳридаги 30 та маҳалланинг 23 тасида кузатув ўтказдик ва кўплаб ижобий ҳолатлар гувоҳи бўлдик, аммо шу билан бир қаторда баъзи салбий ҳолатлар ҳам мавжуд эканлиги аён бўлди. Биз буни тўпланган маълумотлар асосида таҳлил қилиб чиқамиз. Термиз шаҳри аҳолисининг демографик ҳолатига эътибор қаратамиз.

1-жадвал

№	Маҳаллалар номи	Маҳаллалар даги оилалар сони	Ҳорижга ишлаш учун кетганлар сони	Аҳоли таркиби				Ишс из-лар сони
				1-6 ёш	7-15 ёш	16-59 ёшдаги эркаклар	16-54 ёшдаги аёллар	
1	Темир йўлчи	816	88	241	524	1003	1107	397
2	Гарм	943	22	169	492	1452	1452	-
3	Маърифат	651	92	600	700	842	951	-
4	Шифокор	677	44	68	342	1017	1200	-
5	Жомий	1054	163	425	1318	1620	1772	400
6	Ибн-Сино	620	75	370	330	782	1533	445
7	Бўстон	706	53	121	218	339	391	123
8	Жўйижангал	1040	95	72	527	2489	3083	357
9	Меҳробод	750	55	320	430	1437	1400	-
10	А.Навоий	675	18	823	930	1293	1387	87
11	Юлдуз	1482	35	284	1460	2251	2305	63
12	Сурхон-соҳили	549	73	389	876	803	605	168
13	Ўзбекистон	930	48	366	407	1603	1781	47

14	Аму-соҳиллари	874	69	278	442	1408	1656	-
15	Алпомиш	1554	51	480	605	3025	3190	-
16	Боғишамол	776	23	470	578	1220	1457	20
17	Фарҳод	628	30	197	288	686	572	138
18	Учкун	1445	60	315	655	1106	1220	27
19	Наврўз	1005	20	360	652	500	3210	72
20	Катта боғ	800	14	280	125	2102	2306	20
21	Шодлик	994	56	687	760	936	1218	83
22	Озодлик	1228	43	425	538	1385	1450	177
23	Жайхун	1356	68	646	616	2186	2320	108
	Жами:	21554	1295	8386	13813	31485	37566	2732
	Жами аҳоли сони:						91250	

Манба: Термиз шаҳар маҳалла жамғармаси маълумотлари.

Жадвалда кўрсатиб ўтилганидек Термиз шаҳрининг 30 маҳалласидан 23 таси тадқиқотимиз жараёнида ўрганиб чиқилди. Ушбу маҳаллаларда жами 21554 та оила бўлиб уларда 91250 нафар аҳоли истиқомат қилишади. Уларнинг ёши бўйича кўриб чиқилганда куйидагича манзарага гувоҳ бўламиз, яъни 1 ёшдан 6 ёшгача 8386 нафар, 7 ёшдан 15 ёшгача бўлганлар 13813 нафар, 16 ёшдан 59 ёшгача бўлган эркаклар 34485 нафар ва 16 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллар 37766 нафар кишини ташкил қилади.

23 та маҳалладаги аҳолининг бандлиги кунгилдагидай бўлмаганлиги учун 1295 нафар фуқаро хориж мамлакатларида меҳнат қилишаётган экан. Бунинг ачинарли томони шундаки, улар 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган фуқароларни ташкил қилади. Бошқача айтганда улар кучга тўлган йигит ва қизлардан иборат бўлиб, айтилганда ўзимизда ҳам жуда керакли инсонлар, яъни иш кучи ҳисобланади. Аслида уларнинг

кўпчилиги ишсиз бўлганликлари ёки кам иш ҳақи тўланадиган жойларда ишлаганлиги сабабли, хорижга кўп маблағ ишлаш мақсадида кетишган.

Ушбу маҳаллалар орасида Жомий маҳалласидан 163, Жўйжангал маҳалласидан 95, Маърифат маҳалласидан 92, Темир йўлчи маҳалласидан 88 киши хорижга ишлаш учун кетган. Маҳаллаларни таққослаганда шу нарса аниқ бўлдики Катта боғ (14), Навоий (18), Наврўз (20), Гарм (22) ва Боғишамол (23) маҳаллаларидан нисбатан кам фуқаролари хорижга ишлаш учун кетганлар.

Маҳаллалардаги ишсизлар сони 2732 кишини ташкил қилади. Булардан кўпчилиги, яъни 445 таси Ибн-Сино, 400 таси Жомий, 397 таси Темир йўлчи, 357 таси Жўйжангал, 177 таси Озодлик, 168 таси Сурхон соҳили маҳаллаларига тўғри келади. Ишсизлар сони нисбатан кам бўлган маҳаллалар Боғишамол-20, Каттабоғ-20 ва Учқун-27 маҳаллалари бўлса, Гарм, Маърифат, Шифокор, Мехробод, Аму соҳиллари ва Алпомиш маҳаллаларининг маълумотномаларида ишсизлар йўқлиги қайд этилган.

Термиз шаҳар маҳаллаларида яратилган имкониятлар ва мавжуд муаммолар.

2-жадвал

№	Маҳалла номи	Электр энергия %	Табийй газ %	суви %	Чикинди олиниши %	Йўлларнинг ҳолати %	махсулот- лари таъминоти	Иш ўринлари яратиш имкон- иятлари	Таклиф
1	Темир йўлчи	80	70	80	-	50	100	-	Бандлик , газ
2	Гарм	100	100	70	-	60	100	-	Бандлик , сув
3	Маърифат	100	100	80	-	80	100	-	Маҳалла гузари
4	Шифокор	100	100	50	-	75	100	Тикув цехи, сартарош	Йўлни таъмирла- ш
5	Жомий	99	99	90	-	80	100	Тикув цехи	Маҳалла гузари

6	Ибн-Сино	100	100	100	-	50	100	Гилам цехи	Маҳалла гузари
7	Бўстон	100	100	100	-	20	85	-	Болалар учун спорт майдончаси
8	Жўйижанг ал	100	100	80	-	70	85	Цехлар очилган	Болалар боғчаси
9	Меҳробод	100	100	100	-	90	80	-	Бандлик
10	А.Навоий	100	100	80	-	70	90	-	Кредит киритиш
11	Юлдуз	100	100	100	50	70	80	-	Бандлик
12	Сурхон- соҳили	100	90	70	50	70	80	-	Кредит киритиш
13	Ўзбекистон	100	100	85	-	90	100	Супер-маркет	Цехлар очиш
14	Аму- соҳиллари	80	80	50	-	100	100	-	Сув ва газ таъминоти
15	Алпомиш	100	100	100	-	90	90	Касаначилик	Маҳалла гузари
16	Боғишамол	100	20	20	-	80	100	Қоравулхона 2-иш ўрни	Маҳалла гузари
17	Фарход	100	100	80	-	80	100	Меҳнат бўлими	Сув таъминоти
18	Учкун	100	100	95	-	0	70	Излаш керак	Ноъмал ум
19	Наврўз	100	97	90	-	70	70	-	Иш ўринлари яратиш
20	Катта боғ	100	90	90	-	80	50	-	Хомийл

									икни ошириш
21	Шодлик	100	100	75	50	50	60	-	Маиши й хизмат соҳаси
22	Озодлик	100	100	100	-	100	100	Тикув цехи бор	Спорт майдон и
23	Жайхун	100	100	100	-	80	100	-	Идора биноси
	Жами:								

Манба: Термиз шаҳар маҳалла жамғармаси маълумотлари.

2-жадвал маълумотларидан шу нарса кўриниб турибдики Термиз шаҳридаги 23 та маҳаллада ўзига хос имкониятлар ва камчиликлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Улар қуйидагиларда ўз аксини топган:

Биринчидан, маҳаллаларнинг электр энергияси билан таъминланганлиги ўрганилганда, Темир йўлчи ва Аму соҳиллари маҳаллаларида электр энергияси таъминоти 80 %ни ташкил қилса бошқа барча маҳаллаларда 100 % таъминотга эришилган.

Иккинчидан, 23 та маҳаллада табиий газ билан таъминотда ҳам кекскин фарқлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Гарм, Маърифат, Шифокор, Ибн-Сино, Бўстон, Жўйижангал, Мехробод, Навоий, Юлдуз, Ўзбекистон, Алпомиш, Фарҳод, Учқун, Озодлик, Наврўз, Шодлик, Жайхун маҳаллаларида табиий газ билан таъминлаш 100 фоизни ташкил қилса, Темир йўлчи маҳалласи 70 фоиз, Сурхон соҳили ва Катта боғ маҳаллалари 90 фоиз, Аму соҳиллари маҳалласи 80 фоиз ва Боғишамол маҳалласи бор-йўғи 20 фоиз табиий газ билан таъминланган.

Учинчидан, ушбу маҳаллаларда ичимлик суви таъминоти ҳам шу ҳолатда. Жумладан, Ибн-Сино, Бўстон, Мехробод, Юлдуз, Алпомиш,

Озодлик ва Жайхун маҳаллаларида ичимлик суви билан таъминлаш 100 фоизга ҳал этилган. Аммо Аму соҳиллари, Шифокор маҳаллаларида ичимлик суви таъминоти 50 фоизни, Болғишамол маҳалласида эса атиги 20 фоизни ташкил этади. Қолган 9 та маҳаллада ҳам 70-90 фоиз атрофида ичимлик суви билан таъминланган.

Тўртинчидан, 23 та маҳалладаги йўлларнинг ҳолати ўрганиб чиқилганда атиги Аму соҳиллари ва Озодлик маҳаллаларида йўлларнинг ҳолати 100 фоиз талабга жавоб бериши маълум бўлди. Темир йўлчи, Гарм, Ибн-Сино ва Шодлик маҳаллаларидаги йўллар 50 фоиз, Бўстон маҳалласида эса 20 фоиз йўллар талабга жавоб беради. Учкун маҳалласида эса йўллар талабга умуман жавоб бермаслиги аниқланди.

Бешинчидан, Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлларида бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш саналади. 23 та маҳалла ўрганиб чиқилганда улардан Темир йўлчи, Гарм, Маърифат, Шифокор, Жомий, Ибн-Сино, Ўзбекистон, Аму соҳиллари ва Озодлик маҳаллаларида озиқ-овқат маҳсулотларининг нисбатан арзон нархларда маҳалла дуконларида сотилиши кунгидагидай ташкил қилинган. Аммо қолган маҳаллаларда ҳукуматимизнинг бу сиёсати 50-90 фоизга бажарилган, бу эса давлатимизнинг бу соҳадаги кўрсатмалари етарли даражада бажарилмаётганлигидан далolat беради.

Ушбу маҳаллаларда қўшимча иш ўринлари ташкил этишга ҳаракат қилинаётганлигининг қуйидаги кўринишлари мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Шифокор, Жомий, Жўйижангал, Озодлик маҳаллаларида тикув цехлари фаолият кўрсатмоқда, Ибн-Сино маҳалласида гилам цехи, Ўзбекистон маҳалласида супермаркет фаолият юритаётган бўлса, Алпомиш маҳалласида касаначилик яхши йўлга қўйилган. Аммо, бошқа маҳаллаларда бу борада ҳеч қандай иш қилинмаган.

Айни пайтда 23 та маҳалланинг таклифлари ўрганилганда ГАРМ, Аму соҳиллари ва Фарҳод маҳаллаларида ичимлик суви

таъминотини яхшилишни, Шифокор маҳалласи йўлларни асфалтлашни, Озодлик маҳалласи спорт майдонлари қуришни, Жомий, Ибн-Сино, Алпомиш, Боғишамол маҳаллалари маҳалла гузари, Жайхун маҳалласи маҳалла биноси қурилишини, Шодлик маҳалласи маиший хизмат биноси қуришни, Темир йўлчи, Гарм, Меҳробод, Юлдуз, Наврўз маҳаллалари иш билан таъминлашни йўлга қўйиш, Навоий, Сурхон соҳили маҳаллалари микрокредитлар олишда амалий ёрдам лозимлигини таклиф сифатида бердилар. Учкун маҳалласи эса ҳеч қандай таклиф билдирмаган.

Термиз шаҳар маҳаллаларида аҳолининг ижтимоий мавқие

3-жадвал

№	Маҳалла номи	Нотинч оилалар Сони	Кам таъминланган оилаларга берилаётган ёрдам	Хомийлар	2-жаҳон уруши қатнашчилари	Ногиронлар	Чин етимлар	Пенсияларнинг берилиши ҳолати	Жиноятчилик	ОИТСга чалинганлар	Гиёҳвандлар
1	Темир йўлчи	-	Моддий ёрдам. нафақада	-	2	6	5	Ўз вақтида	-	-	2
2	Гарм	-	Моддий ёрдам. хомийлик	-	-	5	4	Ўз вақтида	-	-	8
3	Маърифат	-	Моддий ёрдам.	-	-	-	3	Ўз вақтида	-	-	1
4	Шифокор	2	Моддий ёрдам.	-	-	10	2	Ўз вақтида	-	-	2
5	Жомий	1	Нафақа	2	9	40	13	Ўз вақтида	-	-	-
6	Ибн-Сино	-	Моддий ёрдам.	3	1	12	-	Ўз вақтида	-	-	-
7	Бўстон	3	Моддий ёрдам.	1	1	3	2	Ўз вақтида	-	-	3
8	Жўйижангал	2	Моддий ёрдам.	4	1	8	2	Ўз вақтида	2	-	5
9	Меҳробод	1	Моддий ёрдам.	6	5	15	3	Ўз	-	-	4

								вақтида			
10	А.Навоий	1	Моддий ёрдам.	4	-	7	2	Ўз вақтида	-	-	1
11	Юлдуз	-	Моддий ёрдам.	-	1	325	9	Ўз вақтида	-	-	2
12	Сурхон- соҳили	-	Моддий ёрдам.	3	-	7	6	Ўз вақтида	-	-1	-
13	Ўзбекистон	4	Қариялар, 2-16 ёш нафақа	8	1	6	2	Ўз вақтида	-	-	-
14	Аму- соҳиллари	6	Моддий ёрдам.	-	1	10	3	Ўз вақтида	-	-	1
15	Алпомиш	-	Моддий ёрдам.	3	-	7	-	Ўз вақтида	1	-	-
16	Боғишамол	-	2-16 ёш нафақа	2	-	4	-	Ўз вақтида	-	-	-
17	Фарҳод	2	Моддий ёрдам.	1	-	10	2	Ўз вақтида	-	-	-
18	Учқун	3	Моддий ёрдам.	2	-	26	-	Ўз вақтида	-	3	9
19	Наврўз	6	Моддий ёрдам. Хомийлик	2	2	12	5	Ўз вақтида	-	-	-
20	Катта боғ	1	Моддий ёрдам.	-	1	10	3	Ўз вақтида	-	-	-
21	Шодлик	-	Моддий ёрдам.	1	2	8	-	Ўз вақтида	6	-	-
22	Озодлик	2	Моддий ёрдам. Хомийлик	5	4	6	3	Ўз вақтида	-	-	4
23	Жайхун	1	Моддий ёрдам.	-	-	7	1	Ўз вақтида	-	-	1
	Жами:	35		47	41	544	70		9	4	43

Манба: Термиз шаҳар маҳалла жамғармаси маълумотлари.

3-жадвал маълумотларидан шу нарса кўриниб турибдики
Термиз шаҳридаги 23 та маҳалладаги 21554 та оиладан 35 та оилада

нотинчлик мавжуд. Маҳаллаларда мавжуд бўлган нотинч оилалар турли хил кунгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бу оилалар билан маҳалла раиси, маслаҳатчилари, оқсоқоллар тегишли ҳуқуқий идоралар билан ҳамкорликда кўплаб ишлар олиб бориши талаб қилинади. Маҳаллалар бўйича эътибор қаратадиган бўлсак, айниқса Аму соҳиллари, Наврўз маҳаллаларида 6 тадан нотинч оиланинг мавжудлиги ачинарли ҳолдир.

Барча 23 та маҳаллада ҳам кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилаётганлиги қайд қилинади. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам билан биргаликда ҳомийликни ҳам йўлга қўйиш лозим. Бу борада Наврўз, Озодлик маҳаллаларида кам таъминланган оилаларга ҳомийлар томонидан ёрдам қилинаётганлиги қайд қилинган. Бу эса жуда кам ҳисобланади. Айни пайтда шуни қайд этиш зарурки, 23 та маҳаллада жами 47 нафар ҳомийлар мавжуд экан.

Ушбу маҳаллаларда халқимизнинг ардоқли ва фахрли кишилари - 2-жаҳон урушининг 41 нафар қатнашчилари истиқомат қилишади. Уларнинг аҳволидан хабар олиб туриш, ёрдам кўрсатиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Чунки уларнинг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Кузатувлар олиб борилган 23 та маҳаллада 544 нафар ногиронлар яшашиди. Уларга ҳам яқиндан ёрдам бериш кенг жамоатчиликнинг муҳим вазифасидир. Ушбу маҳаллаларда 70 нафар ота-онасиз етим болалар истиқомат қилишади. Уларнинг кўпчилиги Жомий ва Юлдуз маҳаллаларида яшашиди. Уларнинг ҳам келажақда яхши инсон бўлиб етишишида жамоатчилик катта ёрдам беришлари зарур.

Маҳаллаларда содир бўлган жинойтчиликнинг ҳолатини ўрганиб чиққанимизда 23 та маҳалладан учтасида, яъни Жўйижангал маҳалласида 2 та, Алпомиш маҳалласида 1 та, Шодлик маҳалласида 6 та жинойтчилик содир бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Бу эса ушбу

маҳаллалардаги участка нозири ва маҳалла посбонларининг фаолияти сушт эканлигидан далолат беради.

Шу нарса ачинарлики кузатув натижалари ушбу маҳаллалардан 2 тасида аср вабоси саналган СПИД (ОИТС) касалига чалинганлар бор эканлигини кўрсатди. Хусусан, Учкун маҳалласида 3 нафар ва Сурхон соҳили маҳалласида 1 нафар фуқаронинг СПИД билан касалланганлиги расмий қайд этилган. Демак бу ушбу маҳаллаларда ҳам маънавий-маърифий ишлар сушт эканлигидан далолат беради.

Афсуски маънавий-маърифий ишларнинг суштиги оқибатида маҳаллаларда бир қанча гиёҳвандлар борлиги аниқланди. 23 та маҳалладан фақат 10 тасида гиёҳвандлар йўқлиги, қолган 13 та маҳаллада 47 нафар гиёҳванд яшаши аниқланди. Жумладан, Учкун маҳалласида 9 нафар, Гарм маҳалласида 8 нафар, Жўйижангал маҳалласида 5 нафар, Озодлик ва Меҳробод маҳаллаларида 4 нафардан, Бўстон маҳалласида 3 нафар, Темир йўлчи, Шифокор ва Юлдуз маҳаллаларида 2 нафардан, Маърифат, Навоий, Аму соҳиллари ва Жайхун маҳаллаларида 1 нафардан гиёҳвандликка ружу кўйган фуқаролар борлиги аниқланди. Ушбу маҳаллаларда ҳам маънавий-маърифий, тушунтириш ишларини жадал олиб бориш лозим.

Термиз шаҳар аҳолисининг ижтимоий ҳолати

4-жадвал

	Маҳаллалар номи	Ишлаб чиқариш корхонаси	Хизмат кўрсатиш шаҳобчаси	Спорт майдони	Кутуб- хона	Интер- нет кафе	Сузи ш хавза си	Бошқа- лар
1	Темир йўлчи	3	-	-	-	-	-	-
2	Гарм	1	9	4	-	-	-	-
3	Маърифат	-	4	-	1	-	1	-
4	Шифокор	2	54	-	1	4	-	18
5	Жомий	1	10	1	1	-	-	-

6	Ибн-Сино	1	3	-	-	-	-	-
7	Бустон	-	1	-	-	-	-	-
8	Жуйжангал	2	3	3	1	1	-	-
9	Меҳробод	-	2	-	-	-	-	-
10	А.Навоий	-	3	-	-	-	-	1
11	Юлдуз	-	2	1	-	-	-	3
12	Сурхон-соҳил	-	3	-	-	-	-	2
13	Ўзбекистон	-	12	-	-	-	-	-
14	Аму-соҳиллари	-	4	-	-	-	-	2
15	Алпомиш	-	41	5	4	1	2	-
16	Боғишамол	-	2	-	-	-	1	3
17	Фарход	-	3	-	-	1	-	4
18	Учқун	4	19	3	1	-	-	3
19	Наврўз	2	3	-	-	-	-	3
20	Катта боғ	-	2	-	-	-	-	2
21	Шодлик	2	15	2	1	-	2	-
22	Озодлик	-	10	-	-	-	-	3
23	Жайхун	3	18	1	-	2	-	4
	Жами:	21	228	20	10	9	6	48

Манба: Термиз шаҳар маҳалла жамғармаси маълумотлари.

4-жадвал шу нарса кўриниб турибдики, ўрганиб чиқилган 23 та маҳалладан 10 тасида ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Жумладан, Учқун-4, Жайхун-3, Темир йўлчи-3, Шифокор, Жўйижангал, Наврўз ва Шодлик маҳаллаларида 2 тадан, Гарм, Жомий ва Ибн-Сино маҳаллаларида 1 тадан ишлаб чиқариш корхоналар фаолият юритмоқда.

Афсуски, Маърифат, Бўстон, Меҳробод, Навоий, Юлдуз, Сурхон соҳили, Ўзбекистон, Аму соҳиллари, Алпомиш, Боғишамол, Фарход, Катта боғ ва Озодлик каби маҳаллаларда ҳеч қандай ишлаб чиқариш корхоналари йўқ. Бу эса ўз навбатида фуқароларни иш билан таъминлашда қийинчиликларни юзага келтиради.

Маҳаллаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, ўрганилган 23 та маҳаллада 223 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фаолият юритмоқда. Жумладан, Шифокор маҳалласида 54 та, Алпомиш маҳалласида 41 та, Учкун, Жайхун, Шодлик ва Ўзбекистон маҳаллаларининг ҳар бирида 10 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари халққа хизмат кўрсатмоқда. Афсуски, Меҳробод, Юлдуз, Боғишамол ва Катта боғ маҳаллаларида 2 тадан, Бустон маҳалласида 1 та шаҳобча мавжуд. Темир йўлчи маҳалласида эса умуман маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси йўқлиги қайд этилган

Термиз шаҳридаги 23 та маҳаллада 20 та спорт майдонлари бўлиб, улар Алпомиш (5), Гарм (4), Жўйижангал (3), Учкун (3), Шодлик (2), Жомий(1), Юлдуз (1), Жайхун (1) маҳаллаларида жойлашган. Ачинарлиси шундаки қолган 15 та маҳаллада ёшларнинг чиниқиши, шуғулланиши, соғломлашуви учун зарур бўлган спорт майдонлари умуман йўқ.

Фуқароларнинг ақлий дам олиши, билим олиши учун зарур бўлган кутубхоналар билан қизиққанимизда, 23 маҳаллада бор-йўғи 10 та кутубхона мавжуд эканлиги ойдинлашди. Шулардан 4 таси Алпомиш маҳалласида бўлса, Маърифат, Шифокор, Жомий, Жўйижангал, Учкун ва Шодлик маҳаллаларида 1 тадан кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Афсуски ёшларимизнинг билими, дунёқарашили ўстиришга хизмат қилувчи кутубхоналар бошқа 16 та маҳаллада мавжуд эмас.

Ушбу маҳаллалардан 5 тасида, яъни Шифокор маҳалласида 4 та, Жайхун маҳалласида 2 та, Жўйижангал, Алпомиш ва Фарҳод маҳаллаларида 1 тадан интернет кафе мавжуд бўлса, қолган маҳаллаларда интернет кафелар умуман йўқ. Наҳотки ушбу маҳаллаларнинг ёшлари кундалик ахборотлар, билим олишдан йироқ бўлса.

Ҳозирги вақтда асосий эътибор қаратилаётган, ёшларнинг сеvimли маскани сузиш ҳавзалари Алпомиш (2), Шодлик (2), Маърифат

(1) ва Боғишамол (1) маҳаллаларида мавжуд бўлиб, қолган 19 та маҳаллада сузиш ҳавзалари умуман йўқ. Термизнинг иссиқ иқлим шароитида ёшларга бу каби масканларни яратиб бериш чораларини излаш ва амалга ошириш лозим.

Шундай қилиб юқорида ўрганиб чиқилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни билдириб ўтиш мумкин.

1.Маҳалла Ўзбекистонда 2 минг йиллик даврдан буён мавжуд бўлиб, аҳолининг маҳаллаларда жамоа-жамоа бўлиб яшаши ҳозирги вақтда бошқа халқлар томонидан ҳам ўрганилмоқда.

2.Маҳаллалар ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида мустақиллик йилларида Президентимиз И.А.Каримов саъи-ҳаракатлари билан янада ривожланди.

3.Маҳалланинг ҳуқуқий меъёри Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги 105-моддада асослаб берилган. Маҳалла мақомини Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Маҳалла» рисоласида қайд қилинишича «қўшни» дейилганидек ёки эндиликда айрим кишилар тушунганидек, ҳовлининг икки томонида яшовчи ёхуд сиз билан бир подъезда истиқомат қилувчи кишиларгина кўзда тутилмайди, балки ўнг, чап, олд ва орқа томондаги 40 тадан, жами 160 хонадон да яшовчиларнинг барчаси сизга қўшни мақомида бўлади. Бундай қўшничилик Ўзбекистон халқларининг тинч-тотув яшашига хизмат қилади. Маҳалла эса бундан бирмунча каттароқдир. Аҳолининг аҳил яшаши мавжуд имкониятлардан янада унумлироқ фойдаланишига хизмат қилади.

4.Маҳаллалардаги имкониятлар эса жуда кўп. Лекин Термиз шаҳридаги маҳаллаларнинг ҳаммасида ҳам имкониятлар бир хил эмас. Баъзилари анчайин обод бўлса, баъзиларини янада ободонлаштириш зарур.

5.Маҳаллада яхши инсонлар кўп бўлиши билан бир қаторда ёмон кишилар ҳам топилади.бундай кишиларнинг пайдо бўлишига айниқса бекорчилик сабабчи бўлиши мумкин. Бу кўп жиҳатдан бандлик билан боғлиқ. Термиз шуҳридаги маҳаллаларнинг бандлик бўйича олиб

бораётган ишлари, ҳаракатлари мақтовга лойиқ. Аммо ҳамма маҳаллаларга нисбатан бу каби ижобий фикрлар билдира олмаймиз.

6.Вилоятимиз маркази Термиз шаҳридаги маҳаллаларда СПИД касалига чалинган кишиларнинг борлиги, гиёҳвандликка гирифтор бўлган шахардошларимизнинг мавжудлиги Она шаҳримиз Термиз шаънига доғ бўлиб тушади. Бу каби салбий ҳолатлар эса бу борада ишларимиз самарасини оширишни талаб этади.

7.Маҳаллаларда нотинч оилаларнинг бўлиши ўз навбатида жиноятчиликка олиб бориши мумкин. Чунки нотинч оилаларда тарбия топаётган болаларда жиноятчиликка мойиллик ортади. Шунинг учун нотинч оилалар, жиноятчилик мавжуд маҳаллаларда участка нозирларининг фаолияти жуда паст эканлигидан далолат беради. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун участка нозирлари, посбонлари, оқсоқоллар ўз вазифаларига янада эътиборлироқ бўлиши лозим.

Хуллоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, маҳалла нафақат ободончиликни яхшилаш, балки соғлом инсонларни тарбиялашнинг муҳим масканига айлантиришни талаб қилади.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги кунда оила ва маҳалла масалаларини жаҳонда хусусан республикамизда катор тадқиқотчилар изланишлар олиб борганлар. Мазкур тадқиқотларда ёшларда миллий ғояни шакллантириш муносабатларини қарор топтиришга йўналтирилган жараён ва мазмун илмий асосда ўрганилган. Манбаларнинг таҳлилидан маълум бўладики, биз ўрганган барча тадқиқот ишларида ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш муаммоси тадқиқот мавзусига боғлаб у ёки бу тарзда ёритилган, лекин ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни алоҳида тадқиқот сифатида кам ўрганилган. Бу эса ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни муаммоси доирасидаги кенг қамровли илмий изланишларни туғдиради. Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни асосан улардаги:

- Оила ва маҳалланинг тарихий илдизлари;
- Ота-онанинг фарзанд тарбиясида ўрни ва роли;
- Оилада меҳнат, касб-ҳунар маданияти ва урф-одатлар;
- Маҳалла маънавий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар сақланиб ривожлантириладиган маскан;
- Оила ва маҳаллада ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда олиб бориладиган ишларни кўзда тутати.

Мазкур жиҳатларни шаклланиши ёшлар яъни бўлғуси мутахассис ҳаёт давомчилари шахсига бўлган жиддий эътибор, индивидуал ёндошувни талаб этади. Бундай ёндошувнинг амалдаги таъсирчан воситаси эса тарбиядаги мақсадли ҳамкорлик ҳисобланади. Республикамиз аҳолисининг тахминан 65% дан ортиқ аҳолисини 30 ёшгача, шундан 48% дан ортиғини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бинобарин, мана шу ёшлар Ўзбекистонимизнинг эртанги давомчилари ҳисобланади. Шу боисдан ҳам уларни ҳақиқий ворис бўлиб шаклланишлари учун ҳар бир шахсдан оиласидаги тарбияга теран назар билан боқишлик тақозо

этилади. Илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган баъзи ахборотларнинг 70% ни 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Болаларнинг онги 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди.

Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни юзасидан олиб борилган кузатиш, назарий ва амалий таҳлиллар натижаларидан қуйидаги хулосаларга келдик.

Биринчидан, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни ижтимоий зарурат ҳисобланиб, бу жараёнда таълим муассасаларида ўқитиладиган миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани алоҳида ўрин тутди.

Иккинчидан, оила ва маҳаллада ёшлар тарбиясида тарихий асослар, миллий қадриятларимизга таяниш ва ўқув юртларидаги педагогик жараёнда улардан самарали фойдаланиш кутилган натижаларни берди.

Учинчидан, оила ва маҳаллаларда олиб бориладиган машғулотлар мазмунида халқ педагогикаси намуналарининг ёритилиши ва бунда тарбия фаолиятини ташкил этишнинг ноанъанавий шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрнига ижобий таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, оила ва маҳаллада шахс тарбияси маънавий маданиятининг шаклланишида етакчи омил эканлиги ҳисобга олинса, ота-оналарни фарзандларини миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни борасидаги педагогик билимлар билан қуроллантириб бориш муҳим аҳамият касб этди.

Бешинчидан, тадқиқот ишлари ҳозирги кунда ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда қаратилган оила ва маҳалла ва нодавлат ташкилотларининг мақсадли ҳамкорлиги мазмунини қайтадан кўриб чиқиш имконини берди.

Олиб борилган илмий, назарий ва методик ишлар натижаларига асосланиб, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни самарадорлигини ошириш учун қуйидаги таклифларни тақдим этиш мумкин:

- жамиятнинг соғлом, рақобатбардош ва ижтимоий фаол ёшларга қўяётган талаблари асосида ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрнини мақбул тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- маҳалла гузарларини қишлоқ жойларида ҳам ташкил этиб, у ерда ёшлар тарбиясига оид шарт-шароитларни яратиш;
- ёшларни бўш пайтларини мазмунли ўтказиш мақсадида маҳалла гузарида турли тўғараклар ташкил этиб, уларни жалб қилиш;
- таълим муассасаларида миллий ғояни сингдиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини белгилашда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- таълим муассасаларида ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрнига хизмат қилувчи “Оила ва маҳалла маркази” махсус тўғаракларни ташкил этиш;
- оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш асосида тадқиқот доирасида махсус эшиттиришлар, видео роликлар, ижтимоий лойҳаларни ишлаб чиқиш ва намойиш этиш;
- оила, маҳалла ва нодавлат ташкилотларини ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни борасидаги ҳамкорлигининг мавжуд мазмунини, шакл ва методлари тизимида инновацион ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 йил.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тарққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992 йил.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон, тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Шарқ”, 1997 йил.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997 йил.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 8 том, 2000 йил.
11. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008 йил.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекистон” 2009 йил.
13. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил.
14. Каримов И.А. Аёлга эҳтиром. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил.
15. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил.

16. Каримов И.А. Камолот ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. Халқ сўзи газетаси, 2001 йил, 25-январ.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. –Т.: “Ўзбекистон”, 2004 йил.
18. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг тараққиётининг ҳуқуқий асоси. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил.
19. Каримов И.А. Ёшларимиз-халқимизнинг ишонч ва таянчи. –Т.: “Маънавият”, 2006 йил.
20. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил.
21. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил.
22. Абдулла Авланий. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996 йил.
23. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”, 1993 йил.
24. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. –Т.: “Ёш гвардия”, 1973 йил.
25. Афанасьева Т.М. Оила. –Т.: “Ўқитувчи”, 1986 йил.
26. Арнаутова Е.П. Педагог и семья. –М.: 2001 г.
27. Ватан ва миллат, муқаддасдир. –Т.: “Маънавият”, 2000 йил.
28. Гадейбоев А. Халқ йўли-ҳақ йўли. –Т.: “Маънавият”, 2004 йил.
29. Дехқонов М.Р. Мустақил Ўзбекистонда оила маънавиятини такомиллаштиришнинг дунёвий ва диний муаммолари. –Т.: “Ўқитувчи”, 2006 йил.
30. Дилларда ватан мадҳи. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007 йил.
31. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адиб, ал-муффаҳ. Т.: “Ўзбекистон”, 1992 йил.
32. Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992 йил.

33. Йўлдошев Ж, Йўлдошева Ф, Йўлдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати. –Т., 2009 йил.
34. Кенжабоев А, Эргашева О, Кенжабоев Ж. Педагогик технологиялар дарс самарадорлигининг муҳим омили. –Т.: “Наврўз”, 2012 йил.
35. Мавлонова Р, Тўраева О, Холикбердиев К. Педагогика. –Т.: “Ўқитувчи”, 2008 йил.
36. Малицкий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. –Т., 1996 йил.
37. Маҳалла: ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати(қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами). –Т., 1999 йил.
38. Мунавваров А. Оила педагогикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1994 йил.
39. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил.
40. Оилада баркамол авлод тарбияси. –Т.: “Фан ва технология”, 2010 йил.
41. Отавалиева У. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. –Т., 1994 йил.
42. Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. –Т.: “Меҳнат”, 1991 йил.
43. Ризоуддин ибн Фахруддин. Насихат. –Т.: “Чўлпон”, 1993 йил.
44. Тўраева О. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1998
45. Усмонов Р. Саодатнома. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995 йил.
46. Фитрат А. Оила. –Т.: “Шарқ”, 1999 йил.
47. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли тарожимаси. А.Мансур. –Т.: “Шарқ”, 1992 йил.
48. Ҳасанбоева О. Оилада маънавий-ахлоқий тарбия. –Т., 1998 йил.
49. w.w.w. pedagog. uz.
50. w.w.w. ziyonet.

Илова

Ёшлар тарбиясида оила, мактаб, маҳалланинг ўзаро алоқасини ўрганиш бўйича социологик анкета саволлари. Ҳурматли , ота-оналар ушбу саволларга жавоб бериш орқали ўзингизни оилада фарзанд тарбияси тўғрисидаги тасаввурларингизни такомиллаштириб олишингиз мумкин.

Яшаш манзилингиз: _____ туман
_____ маҳалла

Исми фамилиянгиз _____

Туғилган йилингиз _____

Оилада неча нафар фарзандингиз бор? ____ та

Саволлар

Оила қуришдан мақсадингиз?

- а) ёқтирган киши билан бирга бўлиш б) зурриёд қолдириш
в) табиат қонуни бўлгани учун г) билмадим

Неча ёшдан оила қуриш мақсадга мувофиқ?

- а) 18-22 ёш б) 22-26 ёш в) 26-30 ёш г) билмадим

Оила қурганингиздан кейин...

- а) ота-онам билан яшашни хоҳлайман б) мустақил яшашни хоҳлайман
в) ўйлаб кўраман г) билмадим

Оилда ким оила бошлиғи деб ҳисоблайсиз?

- а) эр б) хотин в) тенг ҳуқуқли г) билмадим

Оила бахти учун фарзанд бўлиши зарурми?

- а) ҳа б) йўқ в) зарур г) билмадим

Соғлом фарзанд кўришда қайси омиллар етакчи роль ўйнайди?

- а) она саломатлиги б) ота саломатлиги
в) оиланинг моддий таъминоти г) барча омиллар

Нечта фарзанд бўлишини хоҳлайсиз?

- а) 2 та б) 3 та в) 5 та г) билмадим

Бугунги кунда оилада бола тарбияси билан асосан ким шуғулланмоқда?

а) ота б) она в) ота-она г) билмадим

Фарзандингизни ҳар доим эркалайсизми?

а) ҳа б) баъзида в) йўқ г) билмадим

Фарзандингиз тарбиясида мактабнинг ўрни қандай?

а) яхши б) ёмон в) ўрта г) билмадим

Болангиз билим оладиган мактабда шароитлар етарлими?

а) етарли б) етишмайди в) қисман г) билмадим

Болангизга билим берадиган ўқитувчилардан қониқасизми?

а) ҳа б) йўқ в) ўртача г) билмадим

Болангиз таълим-тарбиясида мактаб билан алоқада бўласизми?

а) ҳар доим б) баъзида в) ҳар куни г) билмадим

Болангиз ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминланганми?

а) тўлиқ таъминланган б) кам таъминланган

в) таъминланмаган г) билмадим

Болангизнинг кундалик дафтарини неча кунда текшириб турасиз?

а) ҳар куни б) ҳафтада в) бир ойда г) текширилмайман

Сиз яшаётган жойда маҳалланинг ўрни қандай?

а) яхши б) ёмон в) ўртача г) билмадим

Оилангизда маҳалла аъзолари суҳбатлар ўтказиб турадими?

а) ҳа б) йўқ в) баъзида г) билмадим

Болаларни ёмон йўлларга кириб кетишининг сабаблари.

а) ота-оналарининг масъулиятни ҳис қилмаслигида б) боланинг назоратсиз қолишида в) болани эрка қилиб ўстиришда г) билмадим

Фарзандингизни қай даражада назорат қиласиз?

а) ҳар куни б) баъзида в) ҳафтада г) билмадим

Болангизга китоб сотиб олиб берганмисиз?

а) ҳа б) йўқ в) баъзида г) билмадим

Бўш вақтингизда қандай ишлар билан банд бўласиз?

а) фарзанд тарбияси б) телевизор кўраман

в) газета ўқийман г) ухлайман

Оилавий ажралишларнинг сабаблари нимада?

- а) иқтисодий қийинчилик б) бир-бирини тушунмаслик
в) фарзандсизлик г) билмадим

Берган жавобларингиз учун раҳмат.